

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

19-20-сон
(259-260)
2007 й.
май

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонуналари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

+

-

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

191. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ва айримларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 11 майдаги ПФ-3876-сон Фармони
192. «Ёш оиласарни моддий ва маънавий қўллаб-куватлашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги ПФ-3878-сон Фармони

Учинчи бўлим

193. «2006 — 2008 йилларда маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Даствурига тузатишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 майдаги 93-сон қарори

194. «Фермерларни қишлоқ хўжалиги техникин билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-куватлашга йўналтирилаётган маблағлардан фойдаланишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 майдаги 94-сон қарори [Кўчирма]
195. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 майдаги 95-сон қарори
196. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 12 мартағи ПҚ-601-сон ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида» 2007 йил 22 мартағи ПҚ-607-сон қарорлари)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 11 майдаги 96-сон қарори
197. «Меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ҳисобга олишни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 15 майдаги 97-сон қарори
- 199. «Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида» 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида» 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 майдаги 99-сон қарори
- + 200. «Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежлари фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 майдаги 100-сон қарори
201. «Вазирлар Маҳкамасининг «Конларнинг Кандим гуруҳи участкаларига, Хаузак ва Шоди участкаларига ҳамда Кўнғирот участкасига нисбатан маҳсулот тақсимотига оид битимни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 14 сентябрдаги 428-сон қарорига қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 майдаги 101-сон қарори
202. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва айримларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 14 мартағи ПФ-3860-сон Фармони)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 майдаги 102-сон қарори

Бешинчи бўлим

203. «Фойдали моделга, саноат намунасига ҳамда дори воситаси ёки пестицидга таалуқли ихтирога Ўзбекистон Республикаси патентининг амал қилишини узайтириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2007 йил 3 апрелдаги 25-сонли бўйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 5 майда 1678-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
204. «Давлат улушларини бошқариш бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 6 апрелдаги 37, 01/12-18/08-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 7 майда 1262-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
205. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган хужжатларнинг сақланиш муддатлари рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 31 марта даги 10/6-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 8 майда 951-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
206. «Биржа савдоларида шифер сотиш тартиби хақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 9 апрелдаги 24, 51, 01/УзРТСБ-18/10-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 8 майда 1679-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
207. «Норматив-хукукий хужжатларни Давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2007 йил 8 майдаги 84-мҳ-сон бўйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 8 майда 1267-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
208. «Норматив-хукукий хужжатларни Давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2007 йил 8 майдаги 85-мҳ-сон бўйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 8 майда 15-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
209. «Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рафбатлантиришнинг маҳсус жамғармаси тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2007 йил 30 апрелдаги 45-сонли бўйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 17 майда 177-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
210. «Ҳисоб-китобларни «Банк — Мижоз» дастурий мажмуаси орқали амалга ошириш тўғрисидаги низомга ўзгаришишлар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 24 апрелдаги 12/4-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 17 майда 497-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

+

-

211. «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бош-қарувининг 2007 йил 24 апрелдаги 12/3-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 17 майда 1122-6-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
212. «Ободонлаштириш ва ижтимоӣ инфратузилмани ривожлантириш солиfinи ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 6 апрелдаги 38, 2007-27-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 17 майда 1680-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш холати тўғрисида 2007 йил 5 майдан 18 майгача бўлган маълумот

—

+

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

191 Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи хужжатларига ўзгартишлар киритиш ва айримлари- ни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 12 мартағи ПҚ-601-сонли ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида» 2007 йил 22 мартағи ПҚ-607-сонли қарорларига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи хужжатларига 1-иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсан.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан.
3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 11 май,
ПФ-3876-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2007 йил 11 майдаги
ПФ-3876-сон Фармонига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи хужжатларига киритиладиган ўзгартишлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Темир-терсак, қора ва рангли металлар чикиндиларини тайёрлаш ва қайта ишлашга топширишни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича Республика комиссияси таркибини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 19 декабрдаги Ф-2400-сон фармойиши иловасининг учинчи хатбошидаги «Курбанов Д. — Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-тахлил департаменти етакчи мутахассиси» сўзлари «Курбанов Д. — Машинасозлик, металлургия, геология, минерал хом ашё қазиб олиш ва қайта ишлашни ривожлантириш масалалари ахборот-тахлил департаменти бош мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсан.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Баъзи республика комиссияла-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

ри ва кенгашлари таркиблари хамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 2006 йил 21 июлдаги ПҚ-423-сон қарори 2-иловасидаги:

а) ўн биринчи хатбоши қўйидаги икки хатбоши қўрнишидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мамадалиев Р.М. — Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё ва нефть-кимё саноати масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири

Бадалов С.С. — Машинасозлик, металлургия, геология, минерал хом ашё қазиб олиш ва қайта ишлашни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири»;

б) ўн иккинчи — ўн еттинчи хатбошилари тегишли равишда ўн учинчи — ўн саккизинчи хатбошилар деб хисоблансан;

в) ўн тўртинчи хатбошидаги «Вазирлар Маҳкамасининг Агросаноат ва сув хўжалиги комплекслари масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари «Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш хамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2007 йил 11 майдаги
ПФ-3876-сон Фармонига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқоттан хужжатлари рўйхати

1. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи хужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 6 июлдаги ПФ-3767-сонли Фармони иловасининг 6-банди.

2. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари ва қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 сентябрдаги ПФ-3800-сонли Фармони иловасининг 4-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасига қисман ўзгартишлар киритиш тўғрисида» 2006 йил 3 марта ПҚ-296-сонли қарорининг 2-банди.

4. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-324-сонли қарори иловасининг 2-банди.

5. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 6 июнданги ПҚ-369-сонли қарорининг 2-банди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

192 Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

«Ўзбекистон Республикасида ёшларга доир давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги Конун, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурига мувофиқ ва ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, меҳнат фаолиятини бошлиш ва мустакил хаётга кириб келшида уларга зарур ёрдам кўрсатиш, барқарор даромад манбаларини шакллантириш механизмлари ва амалий рафбатлантириш омилларини яратиш ҳамда уларнинг уй-жой ва майший шароитларини яхшилаш мақсадида:

1. Қўйидагилар жойлардаги давлат ҳокимиюти ва хўжалик бошқаруви органлари, тижорат банклари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Маънавият тарғибот маркази, «Маҳалла» жамғармаси, «Оила» маркази, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг энг мухим вазифаси ҳисоблансин:

республикамизнинг ҳар бир худудида янги иш ўринлари очиш, ёшларни кичик бизнес ва тадбиркорликка фаол жалб қилиш, ёш оилаларга ўз ишини ташкил этиш учун микрокредитлар ажратиш, касаначиликни ривожлантириш, уларга имтиёзли равишда қорамоллар сотиб асосида меҳнат билан бандлигини таъминлаш ва ёш оилаларнинг барқарор даромад манбаларини шакллантириш учун зарур шароит яратиш;

+ ёш оилаларга ипотека ва истеъмол кредитлари ажратиш ўйли билан уй-жой сотиб олиш ёки қуриш, уй хўжалигини ўйлга қўйишида уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

- ижтимоий-иктисодий муаммоларни ҳал этишда ёш оилаларга амалий ёрдам бериш, уларга сифатли таълим, тиббий, хуқуқий, ахборот, маслаҳат ва бошқа, жумладан болалар соғлигини сақлаш ва тарбиялашни таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатиш;

ёш оилаларни маънавий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёшларда ўзи қурган янги оила учун фурур ва маъсүлият хиссини, ота-онага, кекса авлод вакилларига хурмат-эҳтиром, меҳнат қилиш ва халқимизнинг бокий маънавий қадриятлари руҳида бола тарбиялашга интилиш туйғуларини шакллантириш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари орқали кам таъминланган оилалар фарзандлари бўлган ёшларга, шу жумладан никоҳдан ўтиш ва тўй маросимларини ўтказишида қўшимча моддий ёрдам кўрсатиш.

2. Тижорат банклари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Савдо-саноат палатаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлигининг тижорат банклари томонидан имтиёзли шартлар асосида ёш оилаларга ипотека, истеъмол кредитлари ва микрокредитлар шаклида қўйидаги мақсадлар учун 2007 йилда 50,0 миллиард сўм ажратиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил қилиш;

уй-жой қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш (ижара олиш);

уй-хўжалигини ўйлга қўйиш;

мебель ва бошқа узоқ муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур товарлар сотиб олиш.

Тижорат банклари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасига ёш оилаларга кўрсатиб ўтилган мақсадлар учун

2007 йилга мўлжалланган ҳажмдан кам бўлмаган миқдорда қўшимча кредит маблағларини излаб топиш ва ажратиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги билан келишилган таклифларни ҳар ўили Вазирлар Маҳкамасига киритиш тавсия этилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, қонунчиликка мувофиқ, мазкур Фармон татбиқ этиладиган ёш оила тоифасига, ҳар бири 30 ёшдан ошмаган, биринчи марта расмий никоҳдан ўтган ёшлар киради.

4. Белгилансинки, жисмоний шахслар — ёш оила аъзоларининг солиққа тортиладиган даромадларига қўйидаги даромадлари кирмайди:

солиққа тортиладиган иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг шахсий уй-жой ёки кўп қаватли уйда хонадон қуриш, таъмирлаш ва сотиб олиш учун олинган ипотека кредитлари ва улар бўйича хисобланган фоизларни қоплаш учун йўналтирилган суммаси;

хўжалик субъекти — иш берувчидан уй-жой сотиб олиш учун олинган маблағ.

Сотиб олинган (мулк ҳукуки давлат рўйхатидан ўтказилган) кундан бошлаб беш йил ичida ушбу мол-мулк сотилса, мазкур бандда кўрсатилган даромадлар белгиланган тартибда жисмоний шахслар даромадларига солинадиган солиққа тортилади.

5. Хўжалик субъектларига даромад солиғи ёки ягона солиқ тўловини хисоблашда солиққа тортиладиган базани ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадаллари тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой сотиб олишга текин берилган маблағлар суммасига teng ҳажмда, аммо солиққа тортиладиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорда, камайтириш ҳукуки берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бир ой муддатда мазкур Фармонда кўзда тутилган солиқ имтиёзларини қўллаш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари Давлат мулки қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва курилиш қўмитаси билан биргаликда:

2007 йил 1 сентябргача давлат тасарруфида бўлган вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналарни улардаги майший шароитларнинг ёш оилалар яшаши учун мос келиши нуқтаи-назаридан инвентаризация қилсин;

2007-2008 йиллар давомида Нукус шаҳрида, ҳар бир вилоят маркази ва Тошкент шаҳрида фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уй-жойлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналар негизида оиласиб ётоқхоналар ва ёш оилалар учун имтиёзли нархларда ижарага бериладиган квартиралар ташкил этсин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур бандга мувофиқ ёш оилаларга бериладиган уй-жойни таъмирлашни молиялаш ҳамда уни зарур санитария-майший асбоблар билан жиҳозлаш тегишли маҳаллий бюджетларнинг даромад қисми кўрсаткичларининг ошириб бажарилган суммаси ҳамда «Ижтимоий химоя йили» Давлат дастурини амалга ошириш доирасида жалб қилинаётган хомийлар маблағлари хисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат мулки қўмитаси Молия вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва курилиш қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан вақтинча фойдаланилмаётган ётоқхоналар, уйлар ва кўп хонадонли уйлардаги бўш турган хоналарни ёш оилаларга бе-

риш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда мазкур Фармондан келиб чиқсан ҳолда қонун хужжатларга киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Махкамасига таклифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат килиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазари Ш. Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 18 май,
ПФ-3878-сон

+

-

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

193 2006 — 2008 йилларда маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурига тузатишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2006 — 2008 йилларда маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури тўғрисида» 2006 йил 22 июндаги ПҚ-386-сон қарорининг 4-бандига мувофиқ, Дастурга шу жумладан рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича янги лойихаларни киритиш ўйли билан Маҳаллийлаштириш дастурини мақбуллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилиди**:

1. Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишини таъминлаш бўйича маҳсус комиссиянинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 22 июндаги ПҚ-386-сон қарори билан маъқулланган 2006 — 2008 йилларда маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастури параметрларига 1 — 4-иловаларга* мувофиқ тузатишлар киритиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» 2004 йил 13 августдаги 391-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2004 й., 8-сон, 82-модда) 5-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р. Шаисматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазари**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 8 май,
93-сон

* 1—4-иловалар берилмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 8 майдаги 93-сон қарорига
5-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2004 йил 13 августдаги 391-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 2-банддаги «амалга ошириш масалалари бўйича маҳсус комиссия (Ў. Султонов)» сўзлари «амалга оширишни таъминлаш бўйича маҳсус комиссия» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Қарорга иловада:

а) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«1. Мазкур Низом Маҳаллий хом ашё негизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури (кейинги ўринларда матнда Маҳаллийлаштириш дастури деб юритилади) рўйхатлари ва параметрларига тузатишлар киритиши бўйича таклифларни тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиши тартибини белгилаб беради»;

б) 2-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиши:

Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойихаларнинг айрим параметрларини ўзгартириш;

Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойихаларни чиқаруб ташлаш ёки шундай мақсаддаги муқобил лойихалар билан алмаштириш;

республика корхоналарида ишлаб чиқариш-техника ва истеъмол мақсадларидағи материаллар ва буюмлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича янги лойихаларни киритиши бўйича асосланган таклифлар асосида амалга оширилиши мумкин»;

в) 5-банднинг «а» кичик бандидаги «амалга ошириш масалалари бўйича маҳсус комиссия» сўзлари «амалга оширишни таъминлаш бўйича маҳсус комиссия» сўзлари билан алмаштирилсин.

г) 11-банддаги «Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 14 январдаги 18-сон қарорида назарда тутилган» сўзлари чиқаруб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНинг
ҚАРОРИ

**194 Фермерларни қишлоқ хўжалиги техникаси билан
таъминлашни давлат томонидан қўллаб-куватлаш-
га йўналтирилаётган маблағлардан фойдаланишни янада тар-
тибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида**

[Кўчирма]

Ҳар йили тасдиқланадиган балансга мувофиқ Қишлоқ хўжалигини техника билан
таъминлашни давлат томонидан қўллаб-куватлаш жамғармаси маблағларидан фой-
даланишни янада тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат эҳтиёjlари учун харид қилинадиган
қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хисоб-китоб жамғармаси даромадларини так-
симлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида» 2001 йил 24 октябрдаги 419-сон
қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 10-сон, 56-модда) қўйидаги ўзгар-
тиришлар киритилсин:

а) қарорнинг муқаддимасидаги «учун авансларни» сўzlари «етиштиришни» сўзи
 билан алмаштирилсин;

б) Давлат эҳтиёjlари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотла-
рининг хисоб-китоб жамғармаси даромад (фойда)ларини таксимлаш ва улардан
фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда:

муқаддимадаги, 1, 4-бандлардаги ва 6-банднинг иккинчи хатбошидаги «учун
авансларни» сўzlари «етиштиришни» сўзи билан алмаштирилсин;

5-банддаги «50 фоизидан» сўzlари «50 фоизгачасидан» сўзи билан алмашти-
рилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси
Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазари**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 8 май,
94-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

195 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини таомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари хақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини таомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги бир ой муддатда:

Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шахар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари тўғрисидаги низомларни ҳамда туман (шахар) Бандликка кўмаклашиш маркази тўғрисидаги намунавий низомни белгиланган тартибда тасдиқласин;

+

-

Кишлоқ туманлари ҳокимликлари билан биргаликда йирик қишлоқ фуқаролари йиғинларида (маҳаллаларда) аҳолини ишга жойлаштириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича турғун пунктларнинг жойлаштирилишини белгиласин;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги Меҳнатни нормалаштириш ва муҳофаза қилиш маркази ҳамда Ўзбекистон меҳнат, иш билан таъминлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муаммоларини ўрганиш республика маркази негизида Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш илмий марказини ташкил этсин ва унинг тўғрисидаги низомни белгиланган тартибда тасдиқласин.

3. Белгилансинки:

Бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ва қонун хужжатларида назарда тутилган фаолиятдан олинган бошқа даромадлар Бандликка кўмаклашувчи туман (шахар) марказларини молиялаштириш манбалари хисобланади;

Бандликка кўмаклашувчи туман (шахар) марказларининг ходимларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 30 сентябрдаги 459-сон қарорига 9а, 10а, 11а ва 12а-иловаларда назарда тутилган меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари татбиқ этилади.

4. Бухоро вилоятининг Когон туманидаги, Навоий вилоятининг Кармана туманидаги, Тошкент вилоятининг Янгийўл туманидаги ва Андижон вилоятининг Хонобод шаҳридаги меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўйлимлари тугатилсинг, уларнинг функциялари тегишли равишда Бухоро вилоятининг Когон шахар, Навоий вилоятининг Навоий шахар, Тошкент вилоятининг Янгийўл шахар ва Андижон вилоятининг Кўронтепа тумани Бандликка кўмаклашиш марказларига берилсинг.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

бир ой муддатда иш ўринлари ташкил этиш дастурлари параметрларига ўзгартиришлар киритсинлар, уларда саноат ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, биринчи навбатда, транспорт, алоқа, курилиш ва курилиш индустриси йирик корхоналарида, шунингдек кичик саноат корхоналарида касаначиликни ривожлантириши назарда тутсинглар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон карори билан тасдиқланган Аҳоли бандлигини кенгайтириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури топширикларининг бажарилишини йилнинг хар чорагида кўриб чиқсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсан, шунингдек бъузилари ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 8 май,
95-сон

— +
Вазирлар Махкамасининг
2007 йил 8 майдаги 95-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазирлиги тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади) меҳнат, бандлик, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва ижтимоий таъминлаш соҳасидаги сиёсатни амалга оширувчи республика давлат бошқаруви органи ҳисобланади.

Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасига бўйсунади.

2. Вазирлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек ушбу Низомга амал қиласди.

3. Вазирлик тизимиға қўйидагилар киради:

Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

бандликка кўмаклашувчи туман (шахар) марказлари;
туман (шахар) ижтимоий таъминот бўлимлари;
худудий реабилитация марказлари;
ногиронлар ва қариялар учун «Мурувват» ва «Саховат» уйлари;
уруш ва меҳнат фахрийлари учун санаторий ва пансионатлар;
Тошкент шаҳрида ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакаси-
ни ошириш ўқув маркази;
Ногиронларни тиббий-ижтимоий экспертиза ва реабилитация қилиш Республи-
ка инспекцияси;
тиббий-меҳнат экспертизаси хизматлари;
Ногиронларни реабилитация қилиш ва протезлаш миллий маркази;
Тошкент ва Фаргона шаҳарларида ногиронлар учун ихтисослаштирилган рес-
публика касб-хунар коллежлари;
2-сон юридик коллеж;
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизими ходимлари
малакасини ошириш Республика курслари;
Ташки меҳнат миграцияси масалалари агентлиги;
фуқароларни чет элларда ишга жойлаштириш бўйича хўжалик ҳисобидаги
минтақавий бюролар;
Жўнаб кетишдан олдинги мослашув ва ўқитиш маркази;
Ахборот-компьютер маркази;
Республика аҳоли бандлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш илмий маркази.

+

-

4. Вазирликнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларининг дав-
лат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар ва
фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.
5. Вазирлик ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек
худудий бўлинмалари, тасарруфидаги бошқа ташкилотлар орқали ҳал қиласди.
6. Вазирлик ўз вазифалари ва функцияларини амалга оширишда давлат бошқа-
рувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа таш-
килотлар билан ўзаро ҳамкорлик қиласди.
7. Вазирлик ва унинг бўлинмаларининг моддий-техник таъминоти, шунингдек
Вазирлик тизими ходимлари меҳнатига ҳак тўлаш ажратиладиган маблағлар доира-
сида давлат бюджети маблағлари ҳисобига ҳамда Бандликка кўмаклашиш давлат
жамғармаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари ходимлари-
нинг меҳнатини рағбатлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш жам-
ғармаси маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манба-
лар ҳисобига амалга оширилади.
8. Вазирлик юридик шахс ҳисобланади, мустақил балансга, банк муассасала-
рида депозит ва бошқа ҳисоб ракамларига, шу жумладан валюта ва маҳсус ҳисоб
ракамларига, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи
ёзилган муҳрга, шунингдек тегишли муҳр ва штампларга эга бўлади.

II. Вазирликнинг асосий вазифалари ва функциялари

9. Қўйидагилар Вазирликнинг асосий вазифалари ҳисобланади:
минтақалар бўйича меҳнат бозорини шакллантиришда самарали сиёсатни амалга
oshiриш, демографик омилларни, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ва тар-
кибий қайта ташкил этишнинг истиқболли ўйналишларини эътиборга олган ҳолда

бандликнинг янги шаклларини кенг татбиқ этиш ҳисобига ахоли бандлигининг ўсишини таъминлаш;

демографик ўзгаришлар ва кадрларнинг касбий тайёргарлиги билан боғлиқ ўзгариб бораётган талабларни хисобга олган холда меҳнат, иш билан бандлик ва ахолини ижтимоий қўллаб-куватлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиши ва янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

ишга жойлашишга муҳтож, иш билан банд бўлмаган ахолига касбий қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштириш бўйича сифатли хизматлар кўрсатиш;

ахолининг эҳтиёжманд тоифаларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича амалий чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш, камхарж оиласлар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга ёрдам кўрсатишда табақалаштирилган тарзда ва аниқ ёндoshувни кучайтириш;

меҳнат, бандлик ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан қаттиқ назоратни амалга ошириш, меҳнат муносабатларини, моддий рағбатлантириш ва меҳнатни муҳофаза қилиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши.

10. Вазирлик ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ куйидаги функцияларни амалга оширади:

10.1. Меҳнат бозорини шакллантириш ва ахолини иш билан таъминлаш соҳасида:

Иктиносидёт вазирлиги билан биргаликда республика ва худудларнинг демографик ривожланиш прогнозларини амалга оширади, ахолини иш билан самарали таъминлаш чора-тадбирлари комплексини асослаган холда меҳнат ресурсларининг прогноз балансларини ишлаб чиқади;

республика ва худудларнинг меҳнат ресурслари сони ва таркибини ўрганади ҳамда уни такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқади;

ахолининг иш билан бандлик даражаси ва таркибини энг тўлиқ ва холисона баҳолаш таъминлаш, ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни аниқлаш мақсадида меҳнат бозорининг ахволи мониторингини ташкил этади;

худудларнинг демографик ривожланиш прогнозлари асосида ахолини иш билан таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

миграция жараёнларини таҳлил қиласди, ташқи меҳнат миграциясини ва хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси худудидаги меҳнат фаолиятини ташкил этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ишсизларни хисобга олишни ташкил қиласди;

манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиларининг иш билан таъминланишини тадқиқ этиади ҳамда улар натижалари асосида ишчи кадрлар ва ўкув юртларида мутахассисларнинг касб тайёргарлиги йўналишларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади;

ахолини иш билан таъминлаш, ёшларни, ишдан бўшаб қолган ходимларни ва ахолининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштириш, шунингдек бўш иш жойлари бўйича ахборотларнинг шакллантирилишини ва таҳлил этилишини ташкил қиласди;

шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларида қорамол ўстириш билан банд бўлган шахслар хисобини амалга оширади;

ёшларнинг ва иш билан банд бўлмаган ахолининг касб-хунарга хоҳишини ва меҳнат йўналишларини аниқлаш учун социологик тадқиқотлар ўтказилишини ташкил этади;

манбаатдор вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари

билин биргаликда иш ўринлари ташкил этиш дастурларини ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва амалга оширишда қатнашади;

иш билан таъминлаш ва иш ўринлари ташкил этиш ҳудудий дастурларини ишлаб чиқишида хокимликларга методик ва амалий ёрдам кўрсатади;

иктисодиётни ислоҳ қилиш ва таркибий қайта ташкил этиш давомида, шунингдек хўжалик юритувчи субъектларнинг банкротга учраши ва тугатилиши натижасида ишдан бўшаб қоладиган ходимларни иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилишга доир мақсадли минтақавий дастурлар ишлаб чиқилишини мувофиқлаштиради;

аҳолининг ўзини ўзи иш билан таъминлашини рағбатлантириш ва қўллаб-куватлаш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ва ташкилотларга корхоналар ҳамда фуқаролар ўртасида кооперациялаш асосида касаначиликни кенгайтириш масалаларида кўмаклашади;

мехнат бозори инфратузилмаси фаолияти такомиллаштирилишини таъминлайди;

ищизлар учун ҳақ тўланадиган жамоат ишлари ташкил этилишини таъминлайди;

ищизларни касб-хунарга ўқитишини, уларни қайта тайёрлашни ва уларнинг малакасини оширишини ташкил этади.

10.2. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва ижтимоий таъминлаш соҳасида:

муҳтоҷ оиласар, пенсионерлар, ногиронлар, ёлғиз кекса фуқароларга қўрсатиллаётган ижтимоий қўллаб-куватлашнинг табақалаштирилганлиги ва аниқлигини кучайтиришга йўналтирилган ижтимоий сиёсатни амалга ошириш механизмларини такомиллаштиришга доир таклифлар тайёрлашда қатнашади;

давлат ижтимоий сиёсатини амалга ошириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш механизмининг ишлаши бўйича норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишида қатнашади;

манфаатдор вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва муассасалар билан биргаликда пенсионерлар, ногиронлар ва ёлғиз кекса фуқароларга қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар, санаторий-курортда даволанишга йўлланмалар ва маҳсус харакатланиш воситалари берилишида қатнашади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда муҳим ижтимоий-мехнат нормалари ва нормативлари рўйхатини белгилайди ҳамда уларнинг ишлаб чиқилишини мувофиқлаштиради;

Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини тадқиқ этади, уни юксалтиришга доир таклифлар ишлаб чиқади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари иштироқида пенсионерлар, ногиронлар, кўп болали ва кам таъминланган оиласарни, аҳолининг давлат томонидан қўллаб-куватлашга муҳтоҷ бўлган бошқа ижтимоий начор гурухларини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларини белгиланган тартибда тасаррuf этади;

ищизлар ва уларнинг оила аъзоларини Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари хисобига ижтимоий қўллаб-куватлашнинг таъминланишини ташкил этади;

Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағларидан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни таъминлаш ишларини ташкил этади;

энг кам иш ўринларининг ажратилиши ва уларнинг ижтимоий муҳофазага мухтож шахслар билан бутланиши масалаларини ўрганади ва таҳлил этади;

дехкон ва фермер хўжаликларида ишлаётган фуқаролар, шунингдек тадбиркорлар учун белгиланган ижтимоий кафолатлар ва ижтимоий муҳофаза чора-тадбирлари рўёбга чиқарилишини ташкил этади;

Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитаси билан биргаликда ахоли даромадларини давлат томонидан тартибга солиш механизмини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлашда қатнашади;

Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда иш хақи, пенсиялар, нафақалар, стипендияларнинг энг кам миқдорини белгилашга доир таклифларни тайёрлайди.

10.3. Мехнат муносабатларини тартибга солиш, меҳнатни ташкил этиш, унга ҳақ тўлаш шартларини ва уни муҳофаза қилишни такомиллаштириш соҳасида:

меҳнатни моддий раббатлантириш механизmlарини ва меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш методларини такомиллаштиришга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқишида қатнашади;

вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг меҳнатни нормалаштириш ва ишли касблари ҳамда мутахассислар ва хизматчиларнинг лавозимлари тариф-малака тавсифномаларини ишлаб чиқиши масалалари бўйича ишларини мувофиқлаштиради;

меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини, ягона тариф сеткасини, иш хақини районлар бўйича тартибга солишини такомиллаштириш юзасидан таклифларни ишлаб чиқади;

меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш, ишлар ва касблар, лавозимларнинг тариф-малака маълумотномаларида акс эттирилмаган лавозимлар ва ишларни тариф сеткасининг тегишили разрядларига киритиш масалаларида хўжалик бошқаруви органларига ва ташкилотларга методик ва амалий ёрдам беради;

тегишили касаба ўюшмалари органларининг (ходимларнинг бошқа вакиллик органларининг) ҳамда иш берувчиларнинг (улар бирлашмаларининг) таклифларига кўра тармок битимлари тузишда қатнашади;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда меҳнат шароитларини баҳолаш ва меҳнат хавфсизлигини таъминлаш учун норматив базани яратиш мақсадида меҳнатни муҳофаза қилиш норматив ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ва қайта кўриб чиқилишини, келишилиши ва тасдиқланишини ташкил этади, иш ўринларни меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказишда методик ёрдам кўрсатади;

иш ўринларини меҳнат шароитлари ва асбоб-ускуналарнинг шикастланишга хавфлилиги бўйича аттестациядан ўтказиш соҳасида юридик шахсларни аттестациядан ўтказади, шунингдек уларнинг мутахассисларини ўқитиш ва аттестациядан ўтказишни амалга оширади;

мехнат, ахолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилиниши устидан белгиланган тартибда давлат назоратини амалга оширади;

вазирликлар ва идораларнинг Имтиёзли пенсия таъминоти, қўшимча таътил, қисқартирилган иш куни ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, ишлар ва касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги таклифлари юзасидан хulosалар беради;

Ёши бўйича имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини татбиқ қилиш тартиби тўғрисида тушунтиришлар беради, шунингдек ушбу Рўйхатларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритади;

Ноқулай меҳнат шароитларида ишлаганлик учун бериладиган имтиёзлар ва

+

компенсацияларнинг амалдаги рўйхатларига ўзгартаришлар киритиш бўйича Вазирлар Махкамасига таклифлар тайёрлайди;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар иштирокида меҳнат, ахолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида норматив-хуқуқий ва норматив-методик хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

мехнат, унинг шароитлари ва унга ҳақ тўлаш, иш билан таъминлаш ҳамда кексалар, пенсионерлар, ногиронлар ва бокувчинини йўқотган, давлатнинг қўллаб-куватлашига муҳтоҷ оиласаларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича илмий тадқиқотларни мувофиқлаштиради.

10.4. Пенсия хизмати кўрсатиш ва давлат ижтимоий суфуртаси бўйича нафақалар билан таъминлаш соҳасида:

пенсиялар, нафақалар ва компенсация тўловларини (компенсация тўловлари бўйича — бюджет ташкилотларидан ташқари) ўз вақтида тайинлаш ва тўлашни амалга оширади;

юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга, шунингдек дехқон хўжаликларининг ижтимоий суфурта бадалларини тўлаётган аъзоларига ҳомиладорлик ва туғрук, чақалоқ туғилганлиги бўйича нафақаларни хисоблаб ёзиш ва тўлашни ҳамда дағн маросими учун тўловни амалга оширади;

мехнатда майиб бўлганлиги ёки кассб касаллигидан ногиронлик бўйича «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига мувофиқ тайинланган пенсияларни тўлаш учун маблағларни айборд юридик ва жисмоний шахслардан регрессив даъволар бўйича белгиланган тартибда ундириб олиши амалга оширади;

+

-

юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларнинг, шунингдек шахсий ёрдамчи ва дехқон хўжаликларининг қорамол ўстириш ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятининг бошқа турлари билан шуғулланаётган аъзоларининг мехнат дафтарчаларини юритиш ва саклашни амалга оширади;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларининг мақсадли сарфланишини назорат қилиш мониторингини олиб боради;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан пенсиялар, нафақалар ва компенсацияларнинг ўз вақтида тўланиши бўйича ўзаро яқин алоқани амалга оширади;

юридик шахс бўлмасдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларга ва дехқон хўжаликлари аъзоларига ижтимоий суфурта бўйича нафақаларни олиш хуқуқини берувчи хужжатларнинг ишончлилигини текширади;

пенсиялар, нафақалар ҳамда компенсация тўловларининг тўғри тайинланиши ва тўланишини назорат қиласди;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бюджети лойиҳасини ишлаб чиқиша қатнашади;

ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан пенсиялар ҳамда ижтимоий суфурта бўйича нафақаларнинг тўғри тайинланиши ва тўланишини текширишга доир назорат-тафтиш ишларини амалга оширади ва ташкил қиласди;

ишламаётган ва ишлаётган фуқароларга пенсиялар, нафақалар ҳамда компенсация тўловларини тўлаш учун маблағларга бўлган эҳтиёж хажмини аниқлайди ва ҳар ойда, белгиланган муддатларда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ижро этувчи дирекциясига буюртманома тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бюджетининг ижроси тўғрисидаги ўйғма ҳисботларни белгиланган тартибда тақдим этади;

пенсиялар, нафақалар ҳамда бошқа ижтимоий тўловларни тайинлаш ва тўлаш ишларини ташкил этади ва уларга методик раҳбарлик қиласди;

имтиёзли пенсияларни тартибга солиш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқилишини ташкил этади;

имтиёзли пенсия таъминоти учун хукуқ берувчи ишлаб чиқаришлар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичлар рўйхатларини қўллаш масалалари юзасидан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан ўзаро ҳамкорлик қиласи, уларни такомиллаштириш бўйича келишилган таклифлар тайёрлайди;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда пенсия таъминотининг нодавлат тизимини яратиш ва ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиша қатнашади.

10.5. Ижтимоий хизмат кўрсатиш соҳасида:

ижро этувчи ҳокимият республика, вилоят, туман, шаҳар органлари иштирикда ёлғиз кекса фуқаролар, ногиронлар ва давлатнинг қўллаб-қувватлашига мухтож бўлган бошқа аҳоли гуруҳларига ижтимоий-маиший хизмат кўрсатишни ташкил этади;

ижтимоий таъминот муассасаларида («Мурувват» ва «Саховат» уйларида, пансионатларда, санаторийларда) яшаётган кекса фуқаролар ва ногиронларга майший, тиббий ва маданий хизмат кўрсатишни ташкил қиласи, ушбу муассасаларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланишини таъминлайди;

ёлғиз кекса фуқароларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизматларининг комплекс тармоқларини ташкил этади ва уларнинг ишини назорат қиласи;

аҳолига ижтимоий ёрдам бериш дастурларини молиялаштириш учун маблағлар жалб этиш ишларида нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва бошқа ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишини таъминлайди;

ёлғиз кекса фуқаролар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатувчи нодавлат хизматлар ташкил этишга кўмаклашади ҳамда уларнинг иши устидан назоратни таъминлайди;

ўзига қарашли ташкилотларнинг аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш дастурларини молиялаштириш эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда амалга ошириладиган ишларини, шу жумладан уларнинг тижорат фаолиятини мувофиқлаштиради.

10.6. Ногиронларни тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш ва реабилитация қилиш соҳасида:

ногиронларни тиббий-ижтимоий экспертизадан ўтказиш ва реабилитация қилиш ишларига раҳбарликни амалга оширади;

ногиронларнинг касб-хунар-техника таълими ва уларни қайта ўқитиш бўйича идоравий таълим муассасаларига раҳбарлик қиласи;

инфратузилма объектларининг ногиронлар ва кекса фуқаролар учун кулайлигини таъминловчи шаҳарсозлик соҳасида давлат сиёсатини шакллантиришда қатнашади;

ногиронлар учун иш ўринлари ташкил этишда ва уларни ишга жойлаштиришда ногиронларнинг нодавлат ва бошқа ташкилотларига ёрдам беради;

ногиронларнинг меҳнатидан фойдаланиш бўйича ихтисослаштирилган корхоналарни ташкил этиш ва ривожлантиришга, меҳнатнинг касаначилик турларини ва иш билан таъминлашнинг бошқа шаклларини ривожлантиришга кўмаклашади;

ногиронларни ижтимоий реабилитация қилиш босқичи сифатида уларнинг жисмоний тарбия ва спорт ҳаракати ривожлантирилишига кўмаклашади;

ҳаракатланишнинг маҳсус воситаларига, ишлаб чиқариш ва майший тусдаги мосламаларга, ногиронларни реабилитация қилиш ва уларни парваришлашнинг бошқа техник воситаларига бўлган эҳтиёжни аниқлайди ва уларни ишлаб чиқариш учун буюртмалар беради;

аҳолига протез-ортопедия ёрдами кўрсатиши ташкил этишни, давлат бошқаруви бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва ташкилотлар билан биргаликда протез-ортопедия буюмлари ва ногиронларнинг хаёт фаолиятини таъминлаш воситаларини ишлаб чиқариши кўпайтириш ҳамда тайёрлаш технологиясини такомиллаштириш, уларнинг янги турларини ишлаб чиқариш ишлари амалга оширилишини таъминлайди;

ногиронларни протез-ортопедия буюмлари ва харакатланиш воситалари билан таъминлаш тартибини белгилайди.

10.7. Молия-хўжалик фаолияти соҳасида:

Вазирлик тизимида режа-молия ишларини, тасарруфидаги ташкилотлар томонидан ўтказиладиган тадбирларни, шунингдек ушбу соҳадаги илмий тадқиқотларни маблағ билан таъминлашни белгиланган тартибда ташкил этади;

аҳолига ижтимоий ёрдам беришнинг ҳар хил турларини ташкил этишни иқтисадий жиҳатдан асослаб беради;

Вазирлик тизими ходимлари меҳнатини нормалашнинг ташкил этилишини таъкомиллаштириш тадбирларини ўз ваколатлари доирасида амалга оширади;

тасарруфидаги ташкилотларнинг молия-хўжалик фаолияти бўйича баланслар ва хисоботларни кўриб чиқади;

давлат марказлаштирилган капитал кўйилмаларидан тасарруфидаги ташкилотлар томонидан самарали фойдаланилишини таъминлайди, Вазирлик тизимидағи обьектларни қуриш ва реконструкция қилиш бўйича истиқболли дастурларнинг ишлаб чиқилишини ташкил этади.



III. Вазирликнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги



11. Вазирлик ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун куйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш масалаларидаги фаолиятини белгиланган тартибда мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига меҳнатга ҳақ тўлаш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш тизимини бошқаришни таъкомиллаштириш ва ривожлантириш, меҳнат ва ижтимоий таъминот органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва улар учун малакали кадрлар тайёрлаш бўйича таклифлар киритиш;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалаларни ҳал этиш учун давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан ахборотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

ҳайъат мажлисларида вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар масъул ходимларининг Вазирлик ваколатига тегишли масалалар бўйича хисоботларини эшлиш;

корхоналар, муассасалар, ташкилотлар раҳбарларига меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги конун хужжатлари бузилганлиги учун конун хужжатларида белгиланган тартибда маъмурий жазолар бериш;

белгиланган тартибда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

илмий муассасаларни, олимлар ва мутахассисларни, шу жумладан хорижий олимлар ва мутахассисларни Вазирлик ваколатига тегишли масалаларни ҳал қилишга шартнома асосида жалб этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда ташкилотларнинг меҳнат, иш билан таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш, пенсия таъминоти, ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисида амалдаги конун ҳужжатлари бузилган ҳолда қабул қилинган буйруқлари ва бошқа ҳужжатларини бекор қилиш юзасидан белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

Вазирлик ваколатига кирувчи масалалар бўйича тегишли хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Вазирлик қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12. Вазирлик ўз ваколатлари доирасида давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган норматив-ҳукуқий ҳужжатларни тасдиқлашга ҳаклиdir.

Вазирлик, зарур ҳолларда, давлат бошқаруви органлари билан биргаликда, белгиланган тартибда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатлар қабул қилиш ҳуқуқига эга.

13. Вазирлик ўзига юклangan вазифалар ва функцияларнинг самарали бажарилиши, тақдим этилаётган таҳлилий ҳужжатларнинг холисоналиги ва комплекслилиги учун жавоб беради.

IV. Вазирлик фаолиятини ташкил этиш

— 14. Вазирликка қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган Вазир бошчилик қилади.

+

Вазирнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган уч нафар ўринбосари, шу жумладан бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

15. Вазир:

Вазирлик фаолиятига раҳбарлик қилади ҳамда Вазирликка юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

ўз ўринбосарларининг ваколатларини белгилайди, улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, Вазирлик тизимида бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатларини, ўз ўринбосарларининг ҳамда бошқа мансабдор шахсларнинг Вазирлик фаолиятининг алоҳида йўналишлари ва участкаларига раҳбарлик қилиш юзасидан ҳамда тасаррufидаги органлар ва ташкилотлар иши учун шахсий жавобгарлиги даражасини белгилайди;

ўз ваколатлари доирасида Вазирлик тизими ходимларининг бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;

Вазирлик ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритади;

зарурат бўлганда, ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида Вазирлик марказий аппаратининг тузилмасига ўзгартиришлар киритади, штат жадвалини, шунингдек Вазирликнинг марказий аппарати, ўзига қарашли ташкилотларнинг харажатлар сметасини тасдиқлайди;

Вазирликнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни, Вазирлик тизимида кирувчи ўзига қарашли бошқа ташкилотларнинг низомларини (уставларини) белгиланган тартибда тасдиқлайди;

Вазирликнинг марказий аппарати ходимларини ва Вазирликка бўйсунадиган

ташкилотлар ва ҳудудий бўлинмалар раҳбарларини Вазирлик томонидан белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қиласди;

қонун хужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида бошқа ваколатларни амалга оширади.

16. Вазирликда 9 киши — Вазир (ҳайъат раиси), вазир ўринbosарлари (лавозимига кўра), шунингдек Вазирлик ва унинг тизими бошқа раҳбар ходимларидан иборат таркибда ҳайъат ташкил этилади.

Ҳайъат аъзолари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади, Вазир ва унинг ўринbosарлари бундан мустасно.

Вазирлик ҳайъати ўзининг мунтазам равишда ўтказиладиган мажлисларида Вазирлик фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, Вазирликнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари, ўзига қарашли бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини эшитади, Вазирликнинг муҳим буйруқлари ва бошқа хужжатлари лойиҳаларини муҳокама киласди.

Ҳайъат қарорлари Вазирнинг буйруқлари билан амалга оширилади.

Вазир билан ҳайъат аъзолари ўртасида келишмовчиликлар пайдо бўлган тақдирда Вазир, пайдо бўлган келишмовчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берган холда, мустақил равишда қарор қабул қиласди. Ҳайъат аъзолари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини Вазирлар Маҳкамасига маълум килишлари мумкин.

17. Қорақалпоғистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий бош бошқармалари, шунингдек туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари ҳамда бандликка кўмаклашувчи туман (шаҳар) марказлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларига ҳамда Вазирликка бўйсунадилар ва ҳисбот берадилар.

18. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари раҳбарларини тайинлаш тегишли равишда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири томонидан амалга оширилади. Вазир туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари ҳамда бандликка кўмаклашувчи марказлар, ТМЭКлар, шунингдек ҳудудий бош бошқармаларга қарашли тиббий-ижтимоий ва даволаш-профилактика муассасалари раҳбарларини тайинлашга розилик беради.

19. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари тўғрисидаги низомлар тегишли вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан тасдиқланади.

Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари ҳамда бандликка кўмаклашувчи марказлари тўғрисидаги низомлар тегишли туман (шаҳар) ҳокимлари билан келишилган ҳолда вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармалари томонидан тасдиқланади.

V. Моддий рағбатлантириш чора-тадбирлари

20. Вазирлик ходимларини моддий рағбатлантириш амалдаги қонун хужжатларида мувофиқ амалга оширилади.

21. Вазирлик ходимларининг иш хақи лавозим маоши, мукофотлар, қўшимча

тўловлар, устамалар ва амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган рағбатлантириш тўловларидан иборат бўлади.

22. Белгиланган тартибда ажратиладиган бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобига шакллантириладиган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди маблағлари, шунингдек Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза килиш органлари ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш жамғармаси маблағлари Вазирлик ходимларига иш ҳақи тўлаш ва ходимларини моддий рағбатлантириш манбаи ҳисобланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 8 майдаги 95-сон қарорига
2-ИЛОВА

I. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 24 июнданги 310-сон қарори билан тасдиқланган Аҳолини иш билан таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тартибида:

а) «Дастурни ишлаб чиқишининг умумий масалалари» бўлимининг учинчи хатбошидаги «меҳнат бўлимлари» сўzlари «Бандликка кўмаклашиш марказлари» сўzlари билан алмаштирилсинг;

б) «Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобига иш ўринлари ташкил этиш дастурини ишлаб чиқиша доир тавсиялар» бўлимининг 2-банди биринчи хатбошидаги «меҳнат бўлимлари» сўzlари «Бандликка кўмаклашиш марказлари» сўzlари билан алмаштирилсинг.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси тўғрисидаги низомни ва Меҳнат шарт-шароитлари давлат экспертизаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1993 йил 29 июлдаги 378-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 1993 й., 7-сон, 29-модда):

а) Мехнат шарт-шароитлари давлат экспертизаси тўғрисидаги низомда:

5-банднинг тўртинчи хатбошидаги «меҳнат органларида» сўzlари «бандликка кўмаклашиш марказларида» сўzlари билан алмаштирилсинг;

6-банднинг биринчи хатбошидаги «туман (шаҳар) меҳнат, ахолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари» сўzlари «меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш, туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш марказлари» сўzlари билан алмаштирилсинг;

б) Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Давлат меҳнат ҳуқуқ инспекцияси тўғрисидаги низомда:

І бўлимнинг 6-бандидаги ва V бўлимнинг 4-бандидаги ва VI бўлимнинг номлашидаги «меҳнат, ахолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари» сўzlари «Бандликка кўмаклашиш марказлари» сўzlари билан алмаштирилсинг;

VI бўлимнинг 1 — 4-бандларидағи «меҳнат бўлимлари» сўzlари «(шаҳар) Бандликка кўмаклашиш марказлари» сўzlари билан алмаштирилсинг;

VI бўлимнинг 2-бандидаги «меҳнат органи» сўzlари «бандликка кўмаклашиш маркази» сўzlари билан алмаштирилсинг.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарори билан тас-

дикланган «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни 66-моддасининг 2 ва 3-қисмларига мувофиқ пенсия тўлашга сарфланадиган харажатларни қоплаш тартибининг 13-банди чиқариб ташлансин.

4. Вазирлар Махкамасининг 1994 йил 24 августдаги 434-сон қарори билан тасдиқланган Кам таъминланган оилаларни хисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 8-сон, 40-модда):

а) 10-банддаги ва 16-банднинг иккинчи хатбошидаги «мехнат, иш билан таъминлаш ва ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимлари» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 12-банднинг учинчи хатбошидаги «мехнат бўлимлари» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Махкамасининг «Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1996 йил 10 декабрдаги 437-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 12-сон, 35-модда):

а) 5-банднинг учинчи хатбошидаги, 7-банддаги «мехнат, ахолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б-банд чиқариб ташлансин;

б) Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомда:

5-банднинг бешинчи хатбошидаги «мехнат органларида» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш марказларида» сўзлари билан алмаштирилсин;

+ 15-банднинг иккинчи хатбошидаги «мехнат, иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш туман (шаҳар) бўлимнинг ходими (кейинги ўринларда — меҳнат биржаси ходими деб аталади)» сўзлари «туман (шаҳар) «Бандликка кўмаклашиш маркази ходими» сўзлари билан алмаштирилсин;

-

15-банднинг учинчи хатбошидаги, 30-банддаги, 31-банднинг биринчи хатбошидаги, 32-банднинг биринчи хатбошидаги, 33-банддаги «мехнат органи» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

37-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«37. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг раиси ва Бандликка кўмаклашиш маркази ходими томонидан имзоланган нафака тўлашга ажратилган маблағлардан фойдаланиш тўғрисидаги хисобот хисобот оидан кейинги ойнинг 10-кунигача бўлган муддатда ҳокимликнинг туман молия бўлимига ва Бандликка кўмаклашиш марказига юборилади»;

Низомга 1-иловадаги «мехнат, иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш маркази» сўзлари билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Махкамасининг 1997 йил 3 июлдаги 339-сон қарори билан тасдиқланган Давлат хизматчиларининг лавозимлари рўйхатининг Туман ва шаҳар ҳокимликларининг бошқармалари ва мустақил бўлимлари бўлимида «мехнат бўлими» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш маркази» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Махкамасининг «Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ шахсларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам миқдорини белгилаш тартиби тўғрисидаги низомни ва ахолини иш билан таъминлаш тўғрисидаги конун хужжатларини бузганлик учун жарима солиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1998 йил 1 декабрдаги 504-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 12-сон, 44-модда):

а) 1-иловада:

6-банда:

биринчи хатбошидаги «мехнат, иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя туман (шаҳар) бўлими» сўзлари «туман (шаҳар) Бандликка кўмаклашиш маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «мехнат органлари» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банддаги «мехнат бўлими» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

10-бандда:

биринчи хатбошидаги «мехнат бўлимлари» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши қуидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Бунда айтиб ўтилган ташкилотлар Бандликка кўмаклашиш марказларига аниқ корхоналар бўйича ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сонини белгилаш тўғрисидаги таклифларни киритиш ҳамда Бандликка кўмаклашиш марказларидан ҳар бир корхонада ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган шахслар учун иш ўринларининг энг кам сони ва хусусияти тўғрисидаги зарур маълумотларни ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ бўлган шахсларни ишга жойлаштириш учун яратилган ёки ажратилган иш ўринларидан мавжуд бўш иш ўринлари ҳақидаги маълумотларни олиш хукуқига эгадир»;

11-банддаги ва 14-банднинг учинчи хатбошидаги, 16-банднинг иккинчи хатбошидаги ва 19-банддаги «мехнат, ахолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

— 13-банднинг иккинчи хатбошидаги «мехнат, ахолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин; +

14-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошларидағи «мехнат органи» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

15-банддаги «мехнат, иш билан таъминлаш ва ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимлари» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

22-банднинг биринчи хатбошидаги «мехнат, ахолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга иловада «мехнат, ахолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимига» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш марказига» сўзлари билан алмаштирилсин.

б) 2-иловада:

4-банддаги «мехнат, ахолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-бандда:

«в» кичик банддаги «маҳаллий меҳнат органлари» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

«е» кичик банддаги «маҳаллий меҳнат органига» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш марказига» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Махкамасининг «Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказларини ташкил этиш тўғрисида» 2001 йил 18 майдаги 223-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 5-сон, 28-модда):

а) 2-банддаги «мехнат, ахолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш шаҳар ва туман бўлимлари» сўзлари «шаҳар ва туман Бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-бандда:

бешинчи-олтинчи хатбошилар қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«хузурида Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш маркази ташкил этиладиган шаҳар (туман) Бандликка кўмаклашиш маркази директорининг ўринbosari Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш маркази директори хисобланади;

Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш маркази директори ва Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказида доимий равишда бўладиган шаҳар (туман) ички ишлар бўлими масъул ҳодими меҳнатига ҳақ тўлаш тегишли равишда шаҳар (туман) Бандликка кўмаклашиш маркази ва ички ишлар бўлими томонидан амалга оширилади»;

в) 1-иловада:

2-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2. Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш маркази Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмасида шаҳар (туман) Бандликка кўмаклашиш марказида фуқароларнинг Вақтинчалик бир марталик меҳнат фаолиятини тартибга солиш мақсадида ташкил этилади»;

6-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Хузурида Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш маркази ташкил этиладиган шаҳар (туман) Бандликка кўмаклашиш маркази директорининг ўринbosari Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш маркази директори хисобланади.

Вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш маркази директори меҳнатига ҳақ тўлаш шаҳар (туман) Бандликка кўмаклашиш маркази томонидан амалга оширилади»;

г) 2-иловада:

«Меҳнат, ахолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш шаҳар (туман) бўлими» сўзлари «Шаҳар (туман) Бандликка кўмаклашиш маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Меҳнат, ахолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш шаҳар (туман) бўлими бошлигининг ўринbosari» сўзлари «Шаҳар (туман) Бандликка кўмаклашиш маркази директорининг ўринbosari» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Махкамасининг 2001 йил 26 июлдаги 318-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 7-сон, 43-модда) билан тасдиқланган Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисидаги низомнинг 6-банди биринчи хатбошидаги «меҳнат, ахолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш туман бўлимлари» сўзлари «туман Бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Махкамасининг «Ўзгалар парваришига муҳтоҷ ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатишини кучайтириш тўғрисида» 2002 йил 29 марта даги 106-сон қарорининг 1-бандидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 3-сон, 19-модда) «меҳнат бўлимларида» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш марказларида» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 2 апрелдаги 173-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 28-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон

Республикаси Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 1-банддаги «мехнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шахар) бўлимларининг (кейинги ўринларда меҳнат бўлимлари деб аталади)» сўзлари «Шаҳар (туман) Бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банднинг учинчи хатбошидаги, 11-банднинг учинчи ва еттинчи хатбошлидаги, 20-банддаги «мехнат бўлимлари» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсан;

в) 11-банднинг иккинчи хатбошидаги «мехнат бўлимларида» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш марказларида» сўзлари билан алмаштирилсан;

г) 12-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсан:

«12. Бандликка кўмаклашиш маркази хисоб рақамига тушадиган маблағларнинг 5 фоизи меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш жамғармасига йўналтирилади»;

д) 21-банднинг биринчи хатбошидаги ва 22-банддаги «мехнат бўлимлари» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсан;

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 15 мартағи 84-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2005 й., 3-4-сонлар, 15-модда) билан тасдиқланган Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилган ҳарбий хизматларни яшаш жойларига қайташ тартиби тўғрисидаги низомнинг 24-банди тўртинчи хатбошидаги «мехнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлимлари» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсан.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «2006 — 2010 йиллар даврида шахсий ёрдамчи, дехқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 21 апрелдаги 67-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 4-сон, 27-модда):

а) 1-иловада:

3-банднинг биринчи хатбошидаги «мехнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шахар) бўлими (кейинги ўринларда меҳнат органи деб аталади)» сўзлари «туман (шахар) Бандликка кўмаклашиш маркази» сўзлари билан алмаштирилсан;

4-банднинг учинчи хатбошидаги, 6-банднинг иккинчи хатбошидаги, 15-банддаги, 31-банднинг биринчи ва учинчи хатбошиларида, 35 ва 36-бандлардаги, 38-банднинг биринчи хатбошидаги «мехнат органида», «мехнат органи», «мехнат органининг», «мехнат органлари» сўзлари тегишли равишда «Бандликка кўмаклашиш марказида», «Бандликка кўмаклашиш маркази», «Бандликка кўмаклашиш марказининг», «Бандликка кўмаклашиш марказлари» сўзлари билан алмаштирилсан;

Низомга 1-иловадаги «Мехнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш туман (шахар) бўлими» сўзлари «Туман (шахар) Бандликка кўмаклашиш марказига» сўзлари билан алмаштирилсан.

Низомга 4-иловада:

учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсан:

«_____ вилояти, _____ тумани (шахри) Бандликка кўмаклашиш маркази номидан директор _____ (кейинги ўринларда «Бандликка кўмаклашиш маркази» деб юритилади);

2.2.-банддаги «Мехнат бўлими» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

томонларнинг имзолари қисмида «Мехнат бўлими» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 5-иловада:

«Мехнат бўлими» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

Низомга 6-иловада:

«мехнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш маркази» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-илованинг 8-банди тўртинчи хатбошидаги «мехнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими» сўзлари «Бандликка кўмаклашиш маркази» сўзлари билан алмаштирилсин.

II. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2001 йил 13 февралдаги 75-сон қарорининг 1-банди ва қарорга 1 — 3-иловалар (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2001 й., 2-сон, 11-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2001 йил 6 апрелдаги 162-сон қарорининг 1-банди ва қарорга 1-илова (Ўзбекистон Республикаси КТ, 4-сон, 21-модда).

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

196 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айrim қарорлариغا ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг ижро этувчи тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 12 мартағи ПҚ-601-сон ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг ижро этувчи тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида» 2007 йил 22 мартағи ПҚ-607-сон қарорлари)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг ижро этувчи тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида» 2007 йил 12 мартағи ПҚ-601-сон ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

нинг ижро этувчи тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида» 2007 йил 22 мартағи ПҚ-607-сон қарорларига мувофиқ Вазирлар Махкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб хисоблансан.
3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosарлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 11 май,
96-сон

Вазирлар Махкамасининг
2007 йил 11 майдаги 96-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

— 1. Вазирлар Махкамасининг «Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисида» 2003 йил 28 июндаги 289-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2003 й., 6-сон, 50-модда):

а) 3-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари «Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё ва нефть-кимё саноати масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) қарорга 1-иловада:

5-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари «Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё ва нефть-кимё саноати масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин;

Нефть маҳсулотларини сотиш бўйича (нефть маҳсулотларини автомобилларга ёнилғи қўйиш ва мой алмаштириш пунктлари орқали сотишдан ташқари) фаолиятни лицензиялаш схемасидаги «Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаменти»га кўрсатма «Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё ва нефть-кимё саноати масалалари ахборот-таҳлил департаменти»га кўрсатма билан алмаштирилсин;

в) қарорга 3-иловадаги «Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаментининг етакчи мутахассиси» сўзлари «Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё ва нефть-кимё саноати масалалари ахборот-таҳлил департаментининг етакчи мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Махкамасининг «Ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларини ишлаб чиқиш ва маҳсулот тақсимотига оид битимлар лойихаларини кўриб чиқиш бўйича маҳсус давлат комиссиясининг таркиби тўғрисида» 2003 йил 30 июндаги

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

295-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 6-сон, 53-модда) З-иоловада:

«Исматов С.Х. — Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаментининг бош мутахассиси» сўzlари «Аскаров М.А. — Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йифма ахборот-таҳлил департаменти мудирининг ўринбосари» сўzlари билан алмаштирилсин;

«Жалилов Т.М. — Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаментининг етакчи мутахассиси (юрист)» сўzlари «Қосимов С.К. — Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йифма ахборот-таҳлил департаментининг етакчи мутахассиси (юрист)» сўzlари билан алмаштирилсин;

«Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаменти» ва «Аброров З.З. — Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаментининг етакчи мутахассиси» сўzlари тегишли равища «Машинасозлик, металлургия, геология, минерал хом ашё қазиб олиш ва қайта ишлашни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти» ва «Аброров З.З. — Машинасозлик, металлургия, геология, минерал хом ашё қазиб олиш ва қайта ишлашни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаментининг бош мутахассиси» сўzlари билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги изоҳ қўшилсин:

«Изоҳ. Маҳсус давлат комиссияси котибияти аъзолари бошқа ишга ўтганда унинг таркибиغا уларнинг лавозимига янгидан тайинланган шахслар киритилади».

+

-

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Нефть, газ ҳамда газ конденсатини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш, магистрал газ қувурлари, нефть қувурлари ва нефть маҳсулотлари қувурларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларни таъмирлаш бўйича фаолиятни лицензиялаш тўғрисида» 2003 йил 9 июлдаги 310-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 61-модда):

а) 1-иолованинг 14-бандидаги «Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўzlари «Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё ва нефть-кимё саноати масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўzlари билан алмаштирилсин;

б) 2-иолованинг 13-бандидаги «Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўzlари «Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё ва нефть-кимё саноати масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўzlари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Таркибида қимматбаҳо металлар ва қимматбаҳо тошлар бўлган иккиласми ресурслар ва чиқитларни тайёрлаш ҳамда қайта ишлаш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» 2003 йил 17 ноябрдаги 515-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 121-модда) 2-иоловадаги «Қурбонов Д. — Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаментининг етакчи мутахассиси» сўzlари «Қосимов М.О. — Машинасозлик, металлургия, геология, минерал хом ашё қазиб олиш ва қайта ишлашни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаментининг шўъба мудири» сўzlари билан алмаштирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Малайзия билан инвестиция ҳамкорлигини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 9 апрелдаги 167-сон қарорига иловада:

«Розуқулов У.У. — Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири», «Акбархўжаев Р.Ш. — Истеъмол товарлари ва савдо комплекси маса-

лалари ахборот-таҳлил департаменти мудири» ва «Қурбонов Ш.Э. — Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири» сўзлари тегишли равища «Боқиев Ф.Х. — Иқтисодиёт ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари йигма ахборот-таҳлил департаменти мудири», «Барноев Ў.И. — Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири» ва «Жабборов А.Ж. — Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири» сўзлари билан алмаштирилсин;

куйидаги мазмундаги изоҳ қўшилсин:

«Изоҳ. Идораларро ишчи гурух аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда унинг таркибига уларнинг лавозимига янгидан тайинланган шахслар киритилади».

6. Вазирлар Махкамасининг «Республика комиссиялари ва кенгашлари таркибларини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 26 июлдаги 358-сон қарорида:

а) 6-иловадаги «Аҳмаджонов Ф.М. — Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаментининг бош мутахассиси» сўзлари «Аҳмаджонов Ф.М. — Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё ва нефть-кимё саноати масалалари ахборот-таҳлил департаментининг шўъба мудири» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 18-иловада:

биринчи хатбоши иккита хатбоши тарзида қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Санақулов Қ. — Ўзбекистон Республикаси Боз вазирининг ўринбосари, комиссия раиси

Шаисматов Э.Р. — Ўзбекистон Республикаси Боз вазирининг ўринбосари, комиссия раисининг ўринбосари»;

+

ўнинчи хатбоши иккита хатбоши тарзида қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Мамадалиев Р.М. — Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё ва нефть-кимё саноати масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири

Бадалов С.С. — Машинасозлик, металлургия, геология, минерал хом ашё қазиб олиш ва қайта ишлашни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири»;

в) 19-иловадаги «Султонов Ў.Т.» ва «Аҳмаджонов Ф.М. — Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаментининг бош мутахассиси» сўзлари тегишли равища «Шаисматов Э.Р.» ва «Аҳмаджонов Ф.М. — Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё ва нефть-кимё саноати масалалари ахборот-таҳлил департаментининг шўъба мудири» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 21-иловадаги «Султонов Ў.Т.» ва «Зокиров К.С. — Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаментининг етакчи мутахассиси» сўзлари тегишли равища «Шаисматов Э.Р.» ва «Турғунов Д.А. — Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё ва нефть-кимё саноати масалалари ахборот-таҳлил департаментининг бош мутахассиси» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Махкамасининг «Кандим конлар гурухи участкасига, Хаузак ва Шоди участкаларига, шунингдек Кўнғирот участкасига нисбатан маҳсулот тақсимоти тўғрисидаги битимни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳакида» 2004 йил 14 сентябрдаги

428-сон қарорининг 5-бандидаги «Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари «Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё ва нефть-кимё саноати масалалари ахборот-таҳлил департаменти» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини ташкил қилиш тўғрисида» 2004 йил 12 октябрдаги 475-сон қарорида:

1-банднинг бешинчи хатбоши иккита хатбоши тарзида қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Машинасозлик, металлургия, геология, минерал хом ашё қазиб олиш ва қайта ишлашни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти;

Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё ва нефть-кимё саноати масалалари ахборот-таҳлил департаменти»;

2-банднинг учинчи хатбошидаги «6» раками чиқариб ташлансин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмаси ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тариф разрядларини тасдиқлаш тўғрисида» 2004 йил 14 октябрдаги 482-сон қарорига илованинг V бўлими 2-бандидаги «мудири ўринбосари» сўзлари «шўъба мудири» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Инвестиция лойиҳаларини тасдиқлаш ва амалга ошириш мониторинги механизмларини такомиллаштириш, мурувват ёрдами юкларини ва техник кўмаклашиш маблағларини хисобга олиш ва назорат қилиш чоратадбирлари тўғрисида» 2005 йил 15 ноябрдаги 251-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2005 й., 11-сон, 61- модда) 1-илованинг 1-бандидан иккинчи — еттинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарда халқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 29 августдаги 183-сон қарорига 3-иловада:

«Шаисматов Э.Р.» ва «Мамадалиев Р.М. — Вазирлар Маҳкамасининг Ёқилғи-энергетика комплекси, металлургия, машинасозлик ва кимё масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири» сўзлари тегишли равишда «Санақулов Қ.» ва «Бадалов С.С. — Машинасозлик, металлургия, геология, минерал хом ашё қазиб олиш ва қайта ишлашни ривожлантириш масалалари ахборот-таҳлил департаменти мудири» сўзлари билан алмаштирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 11 майдаги 96-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш ҳамда баъзиларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 22 февралдаги 73-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2005 й., 2-сон, 13-модда) 2-илованинг 12, 24, 33, 34, 37-бандлари.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Йирик инвестиция лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш бюросида мақсадли дастурлар, концепциялар ва инвестиция лойиҳаларини экспертизадан

ўтказиш ва тавсиялар тайёрлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш хақида» 2006 йил 22 майдаги 91-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 5-сон, 33-модда).

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ**

**197 Мехнат фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга
кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини
ҳисобга олишни такомиллаштириш тўғрисида**

Мехнат ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун чет элларга кетаётган шахсларни ҳисобга олишни такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари мамлакатимиз ташқарисида бўлган даврда уларнинг муҳофазасини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи**:

1. Мехнат фаолиятини ва тадбиркорликни амалга ошириш учун чет элларга кетаётган шахслар сонини ҳисоблаб чиқариш бўйича интеграциялашган ахборотларни тайёрлаш ва тақдим этиш модули схемаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси чет элларга кетаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сони ва мақсади тўғрисидаги ҳар чораклик статистика ҳисоботи юритилишини таъминласинлар.

Бунда Божхона декларациясининг такомиллаштирилган шакли чет элларга кетаётган фуқароларнинг сони ва мақсади тўғрисидаги ахборот манбаи ҳисобланиши назарда тутилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Давлат статистика қўмитаси билан келишган ҳолда Божхона декларациясининг такомиллаштирилган шаклини ва уни тўлдириш ҳамда расмийлаштириш тартибини тасдиқласин ва 2007 йил 1 июлдан амалга киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Давлат статистика қўмитаси ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда:

жорий йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда меҳнат эмиграциясини ҳар чоракда ўрганиш бўйича саволнома ишлаб чиқсан ва уни 2007 йилнинг учинчи чорагидан бошлаб уй хўжаликларини аҳоли бандлиги масалалари бўйича ўрганиш дастурига белгиланган тартибда киритсин;

жорий йилдан бошлаб ҳар йили, маълумотларнинг республика, минтақа ва туман даражаларида мувофиқлигини таъминлаган ҳолда, Ўзбекистон фуқароларининг меҳнат эмиграцияси масалалари бўйича чукурлаштирилган маҳсус социологик ўрганишлар ўтказсин.

Мехнат эмиграцияси масалалари бўйича ўрганишларни ўтказиш харажатларини молиялаштириш Бандликка қўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилиши назарда тутилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республика-

сининг чет эллардаги консуллик муассасалари орқали меҳнат фаолиятини ва тадбиркорликни амалга ошириш муносабати билан чет элларда бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мониторингини олиб борсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Икътисолиёт вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда фуқароларга чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун руҳсатномалар бериш тартиботларини соддалаштириш юзасидан икки ой муддатда таклифлар киритсинлар, уларда кўрсатиб ўтилган руҳсатномани олиш учун тўлов миқдорини анча камайтиришни ва уни олиш тартибини назарда тутсинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С.Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 15 май,
97-сон

+

-

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 15 майдаги 97-сон қарорига
ИЛОВА

**Меҳнат фаолиятини ва тадбиркорликни амалга ошириш учун чет элларга кетаётган
шахслар сонини ҳисоблаб чиқариш бўйича интеграциялашган ахборотларни тайёрлаш
ва тақдим этиш модули схемаси**

| T/p | Ахборот тақдим этувчи вазирлик, идора | Ахборот олиш манбаи | Ахборот мазмуни | Тақдим этишининг муддати ва даврийлиги | Қаерга тақдим этилади |
|-----|--|--|--|--|---|
| 1. | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги | Уй хўжаликларини аҳоли бандлиги масалалари бўйича ҳар чорақда ўрганиши. | Чет элларда меҳнат ёки тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган шахсларнинг худудлар, ёши, жинси ва кетган мамлакатлари бўйича сони. | Хар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-кунигача. | Давлат статистика қўмитаси |
| | | Меҳнат эмиграцияси масалалари бўйича ҳар йиллик чуқурлаштирилган маҳсус социологик ўрганишлар. | Худудлар бўйича меҳнат эмиграцияси омиллари, сабаблари, асослари, йўналишлари ва шакллари. Меҳнат мигрантларни меҳнат фаолиятини амалга ошириш шароитлари. | Ҳар йили, 15 декабргача. | Давлат статистика қўмитаси |
| 2. | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлиги | Чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун берилган руҳсатномалар. | Чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун берилган руҳсатномаларнинг худудлар ва кетган мамлакатлар бўйича сони. | Хар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-кунигача. | Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси |
| 3. | Давлат божхона кўмитаси | Божхона декларациясининг такомиллаштирилган шакли. | Божхона пунктлари орқали ўтган шахслар — Ўзбекистон Республикаси резидентлари, уларнинг кетиш мақсадлари, худудлар, ёши, жинси ва кетган мамлакатлари бўйича сони кўрсатилади. | Ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-кунигача. | Давлат статистика қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги |
| 4. | Ташқи ишлар вазирлиги | Чет эллардаги консуллик муассасаларидан ахборотлар. | Борган мамлакатида меҳнат ёки тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган консуллик муассасаларида ҳисобда турган шахслар сони тўғрисидаги маълумотлар. | Ҳар чоракда, ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20-кунигача. | Давлат статистика қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги |
| | | | Ўзбекистон Республикасининг чет элларда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаролари сони тўғрисида борилган мамлакат ваколатли органлари тақдим этадиган маълумотлар. | Ташқи ишлар вазирлиги орқали эришилган келишувларга мувофиқ. | Давлат статистика қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги |

| Т/р | Ахборот тақдим этиувчи казирик, идора | Ахборот олиш манбаи | Ахборот мазмуни | Тағдим этишининг муддати ва даврийлиги | Қаерга тақдим этилали |
|-----|--|---------------------------------|---|---|--|
| 5. | Мехнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш вазирлиги давлат статистика кумитеси билан бирталиска | Интеграциялашган ахборотлар. | Чет энгизилган фасолиятни ва тадбиркорикни амалта ошириш учун кетаётган шахссларни хисобга олиш бўйича йигъма таҳлилий ахборотлар. | Ҳар чоракса, ҳисобот чорагидан кейинни ойининг 30 (31)- куннинг ахборотлари. | Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси |

+

1

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

199 Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида» 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон қарорига ўзгаришиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида» 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида» 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида» 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2000 й., 9-сон, 62-модда) иловага мувофиқ ўзгаришиш ва қўшимчалар киритилсан.
2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

+

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазари**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 17 май,
99-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 17 майдаги 99-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
«Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик
текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида» 2000 йил
22 сентябрдаги 365-сон қарорига киритилаётган ўзгаришиш ва
қўшимчалар**

1. 5-банд чиқариб ташлансан.
2. Мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаганлиги учун хўжалик юритувчи субъектлардан жарима ундириш тартиби тўғрисида низомда (2-илова):
 - a) 5-бандда:
иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсан:
«Қонун хужжатларига мувофиқ мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаш хўжалик субъектининг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 й.

жазо кўлланишига олиб келади. Хўжалик субъектининг мансабдор шахсига нисбатан маъмурий жазо кўллангандан кейин календарь йил охиригача мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товлаш хўжалик субъектидан ушбу Низомнинг 7-бандида назарда тутилган миқдорда жарима ундирилишига олиб келади. Бунда мажбурий аудиторлик текшируви ўтказилишидан бўйин товланган тақдирда хўжалик субъектига жарима суд тартибида солинади, хўжалик субъекти содир этилган хукуқбузарликда айбини тан олган ҳамда жаримани ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда эса — жарима солиқ органи томонидан солинади»;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 6-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Жарима конун хужжатларида белгиланган тартибда ундирилади. Бунда хўжалик субъектининг охирги хисобот санасидаги жорий активларининг йигирма фоизидан ортиқ бўлган ялпи жарима хўжалик субъектига жарима солиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб ундириладиган суммани олти ой мобайнида ҳар ойда бўлиб-бўлиб тўлаш хукуки берилган ҳолда ундириб олинади»;

в) 7-банддаги жадвалнинг «Жарима миқдори» устунидаги «100 баравари», «300 баравари» ва «500 баравари» сўзлари тегишли равишда «50 баравари», «75 баравари» ва «100 баравари» сўзлари билан алмаштирилсан.

3. Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун аудиторлик ташкилотларига лицензия бериш тартиби тўғрисида низомда (3-илова):

а) 2-бандга қўйидаги мазмундаги учинчи — олтинчи хатбоши қўшилсан:

«Аудиторлик ташкилотининг аризасига кўра лицензия аудиторлик текширувларининг қўйидаги турларини амалга ошириш учун берилади:

факат ўз ташаббусига кўра аудиторлик текширувларини амалга оширишга;

хўжалик субъектларини ўз ташаббусига кўра ва мажбурий аудиторлик текширувларини амалга оширишга, устав капитали 500 млн сўмдан ортиқ бўлган очиқ акциядорлик жамиятлари, банклар ва суфурта ташкилотлари бундан мустасно;

барча хўжалик юритувчи субъектларни аудиторлик текширувларини амалга оширишга»;

б) 4-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсан:

«штатдаги аудиторларнинг, шу жумладан бухгалтерлик ҳалқаро сертификатига эга бўлган аудиторларнинг, уларнинг ушбу Низомда белгиланган энг кам сонига мувофиқ бўлган штатдаги аудитор малака сертификатлари ҳамда бухгалтер ҳалқаро сертификатларининг тасдиқланган нусхалари;

аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензиянинг тегишли тури учун конун хужжатларида назарда тутилган миқдордаги устав капиталининг тўлиқ шакллантирилганлигини тасдиқлайдиган хужжат нусхаси»;

в) 10-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсан:

«10. Лицензиянинг асл нусхаси реестрга имзо қўйдирган ҳолда аудиторлик ташкилоти раҳбарига ёхуд бошқа шахсга белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида берилади. Лицензия нусхаси лицензияловчи органда белгиланган тартибда сақланади»;

г) 23-банднинг иккинчи хатбошидаги «ёки яроксиз ҳолга келиб қолган» сўзлари чиқариб ташлансан:

д) 26-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсан:

«26. Қўйидагилар аудиторлик фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари хисобланади:

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конунига, Аудиторлик фаолиятининг миллӣ стандартлари, шунингдек бошқа конун хужжатлари талабларига риоя қилиш;

лицензия олинаётганда мазкур Низомда назарда тутилган миқдорда тўлиқ шакллантирилган устав капиталига эга бўлиш;

фақат аудиторлик фаолиятини амалга ошириш;

фуқаролик масъулиятини суғурта қилиш полисига эга бўлиш;

аудитор томонидан аудиторлик фаолиятини фақат битта аудиторлик ташкилотида амалга ошириш;

штатда аудиторлар сонининг мазкур Низомда назарда тутилган миқдорда бўлиши;

лицензия турига мувофиқ штатдаги аудиторларда халқаро бухгалтер сертификатининг бўлиши;

аудиторлик текшируви ўтказиш чоғида олинган ахборотнинг сир сақланишини таъминлаш;

аудиторлик текширувлари ўтказиш бўйича шартнома мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

аудиторлик ташкилоти раҳбари лавозимига фақат аудиторни тайинлаш;

аудиторлик ташкилоти раҳбарининг уч йилда бир маротаба лицензияловчи органда аттестациядан ўтиши;

аудиторлик фаолиятини амалга ошириш чоғида мустакилликни таъминлаш;

ишенчли аудиторлик ҳисоботи тузиш ва аудиторлик хulosаси бериш;

аудиторлик ташкилотларида аудиторлар иш сифатининг ички стандартлари мавжудлиги;

ўз почта манзили ўзгаргани тўғрисида 10 кун муддатда лицензияловчи органни хабардор қилиш;

— аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ярим йилда бир марта белгиланган шаклда лицензияловчи органга тақдим этиш, шунингдек аудиторлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бошқа ахборотларни лицензияловчи орган талаби бўйича тақдим этиш»;

е) қўйидаги мазмундаги 26-1-банд қўшилсин:

«26-1. Кўйидагилар:

фақат ташаббускорлик асосида аудиторлик текширувларини амалга оширувчи аудиторлик ташкилотлари энг кам ойлик иш ҳақининг 1500 баравари миқдоридан кам бўлмаган устав капиталига ва штатида камидা 2 нафар аудиторга эга бўлиши;

устав капитали 500 млн сўмдан кўпроқни ташкил этган очиқ акциядорлик жамиятлари, банклар ва суғурта ташкилотларидан ташқари хўжалик юритувчи субъектларда ташаббускорлик асосида ва мажбурий аудиторлик текширувларини амалга оширувчи аудиторлик ташкилотлари энг кам ойлик иш ҳақининг 3000 баравари миқдоридан кам бўлмаган устав капиталига ва штатида камидা 4 нафар аудиторга, уларнинг иккитаси бухгалтер халқаро сертификатига эга бўлиши;

барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувларини ўтказувчи аудиторлик ташкилотлари энг кам ойлик иш ҳақининг 5000 минг баравари миқдоридан кам бўлмаган устав капиталига ва штатида камидা 6 нафар аудиторга, уларнинг иккитаси бухгалтер халқаро сертификатига эга бўлиши керак»;

ж) 27-бандга қўйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Лицензияловчи орган томонидан аудиторлик ташкилотларининг лицензия талаблари ва шартларига риоя қилишини текшириш ҳар уч йилда камидা бир марта амалга оширилади»;

з) 34-бандга қўйидаги мазмундаги олтинчи — саккизинчи хатбоши қўшилсин:

«аудиторлик текширувларни ўтказиша қонун хужжатларида назарда тутилган чекланишларга риоя қилмаслик;

+

аудиторлик фаолиятини амалга оширишда фуқаролик масъулияти суғурта по-
лисининг йўқлиги;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини лицензияловчи органнинг
текширувларидан бўйин товлаш»;

и) 35-бандда:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи ва олтинчи хатбоши тегишли равишда тўртинчи ва бешинчи хатбоши
деб хисоблансан;

бешинчи хатбошидаги «учинчи ва тўртинчи хатбошида назарда тутилган ҳол-
ларда» сўзлари «учинчи хатбошида назарда тутилган ҳолда» сўзлари билан алмаш-
тирилсин;

к) 1-илованинг номи қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«_____ни ўтказиш бўйича аудиторлик фаолиятини
(аудиторлик текширувнинг тури)

амалга оширишга лицензия олиш учун ариза»;

л) 2-иловада;

«(почта манзили, солиқ тўловчининг идентификация рақами ва аудиторлик
ташкилотининг бошқа реквизитлари)» сўзлари «(аудиторлик ташкилотининг почта
манзили, солиқ тўловчининг идентификация рақами)» сўзлари билан алмаштирил-
син;

«Ўзбекистон Республикаси худудида» сўзларидан кейин «_____ни
(аудиторлик текширувнинг тури)

ўтказиш бўйича» сўзлари қўшилсин.

+

-

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

200 Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаш- тирилган касб-хунар коллежлари фаолияти тўғриси- да

«Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида», «Ўзбекис-
тон Республикасида ногиронларни ижтимоий химоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекис-
тон Республикаси қонунлари талабларини таъминлаш, шунингдек «Ижтимоий химоя
йили» Давлат дастурини амалга ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор
қиласиди**:

1. Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар
коллежлари тўғрисида низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш
вазирлиги икки ой муддатда:

Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Тошкент ва
Фарғона шаҳарларидаги ўрта маҳсус таълим муассасаларини белгиланган тартибда
имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллежла-
рига айлантиrsин;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда ҳамда Вазирлар Маҳкамаси билан келишган ҳолда имкониятлари чекланган шахслар учун ўрта маҳсус, касб-хунар таълими мутахассисларни касблари рўйхатини тасдиқласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда имкониятлари чекланган шахсларни ихтисослаштирилган касб-хунар коллажларида ўқитиш учун зарур таълим стандартлари, маҳсус ўкув режалари ва дастурларини икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни билан биргаликда 2008-2009 йиллар учун инвестиция дастурларини шакллантиришда Вазирлар Маҳкамасига имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллажларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 29 октябрдаги 473-сон қарори билан тасдиқланган касб-хунар коллажларини ишга туширишнинг аниқ ўйналтирилган дастурлари параметрлари доирасида минтақаларнинг реал эҳтиёжларини хисобга олган ҳолда касб-хунар коллажлари қуришнинг аниқ дастурига киритиш тўғрисида таклифлар тақдим этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими марказига бюджет параметрларида ҳар йили Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази учун назарда тутилган маблағлар доирасида имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар коллажларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва кутубхона фондларини тўлдириш юклансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази ҳамда Адлия вазирлиги амалдаги қонун хужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига бир ой муддатда таклифлар киритсилар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазари**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 17 май,
100-сон

Вазирлар Махкамасининг
2007 йил 17 майдаги 100-сон қарорига
ИЛОВА

**Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган
касб-хунар колледжлари тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Вазирлар Махкамасининг 1998 йил 13 майдаги 204-сон қарори билан тасдиқланган Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тўғрисидаги низомга мувофиқ имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар колледжларининг мақомини ва фаолияти хусусиятларини белгилайди.

2. Имкониятлари чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-хунар колледжлари (кейинги ўринларда Коллеж деб юритилади) имкониятлари чекланган шахсларни ўқитадиган ва тарбиялайдиган ҳамда имкониятлари чекланган ўқувчиларнинг ўқиши ва касб-хунарга эга бўлишларида тенг имкониятларни таъминлайдиган давлат таълим муассасаси ҳисобланади.

3. Коллеж юридик шахс ҳисобланади, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ташкил этилади, Устав, мазкур Низом ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида фаолият кўрсатади.

II. Коллежнинг мақсади, вазифалари ва фаолиятини ташкил этиш

4. Имкониятлари чекланган шахслар бўлган ўқувчиларни чукурлаштирилган ихтисосли, табакалаштирилган ўқитиш, интеллектуал ривожлантиришни таъминлаш ва уларнинг жисмоний камол топиши хусусиятларига мувофиқ танланган касблар бўйича мутахассисликни эгаллаши Коллежнинг мақсади ҳисобланади.

5. Қўйидагилар Коллежнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

имкониятлари чекланган шахслар мутахассислик бўйича билим ва кўнималарга эга бўлиши, уларнинг касбий-таълим хизматларига бўлган эҳтиёжларини кондириш учун шарт-шароитлар яратиш;

давлат таълим стандартлари доирасида умумтаълим ва касб-хунар дастурлари ни амалга ошириш;

ўқувчиларнинг танланган касбга мувофиқ ўқишини таълимнинг навбатдаги босқичларида давом эттириш ва меҳнат фаолияти билан шуғулланиш учун зарур ва етарлича бўлган билимлари ва касб тайёргарлиги даражасини чукурлаштириш;

ўқув-тарбия жараёнининг реабилитация килувчи ўналиши учун шарт-шароитларни таъминлаш.

6. Коллежда таълимнинг мазмуни, таълим жараёнини ташкил этиш (ўқиши муддати, ўқув жараёни жадвали) Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишган ҳолда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази томонидан тасдиқланган таълим стандартлари асосида ишлаб чиқиладиган маҳсус ўқув режалари ва дастурлари билан белгиланади.

Таълим жараёни касбий ва амалий қўнималар билан бирга тузатиш йўналишига эга, ўқувчилар шахсининг шаклланишига, уларнинг ижтимоий мослашувига ва жамиятга уйғунлашувига кўмаклашади.

7. Коллежда ўқиши муддати ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мининг тегишли мутахассисликлари ва касблари бўйича имкониятлари чекланган шахслар ўқиши учун зарур ва етарли ўқув юкламасининг умумий ҳажми хисобга олинган ҳолда белгиланади. Бунда танланган касбларнинг сони ва мураккаблиги эътиборга олинади.

8. Ижтимоий кафолатлар, Коллеж ўқувчилари ва ходимларини қўллаб-кувватлаш ва уларга бериладиган имтиёзлар қонун хужжатларида, шунингдек Коллеж Уставида белгиланади.

III. Ўқувчиларни Коллежга қабул қилиш, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва унинг мазмуни

9. Ўқувчиларни коллежга қабул қилиш уларнинг ўқиши йўналишларини ихтиёрий танлаши хисобга олинган ҳолда умумий ўрта таълим негизида амалга оширилади.

Ўқишига қабул қилишда имкониятлари чекланган шахслар учун мутахассисликлар ва касблар рўйхатига мувофиқ тиббий тавсиялар хисобга олинади.

10. Коллежга ўқувчилар жинси, тили, ёши, ирқи, миллати, диний мансублиги, ижтимоий келиб чиқиши, машғулотининг тури, ижтимоий мақеи, яшаш жойи ва Ўзбекистон Республикаси худудида қанча муддат яшаганлигидан қатъи назар, меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш худудий бош бошқармаларнинг, туман (шахар) ижтимоий таъминот бўлимлари йўлланмалари бўйича қабул қилинади.

11. Коллежга қабул қилинган шахслар ўқувчилар деб аталади. Коллежга қабул қилинган ўқувчиларга ўқувчи билети ва белгиланган намуна даги ўзлаштириш дафтараси берилади.

12. Ўқувчилар ўқиши курслари бўйича гурухларга, ўқиши йўналишлари бўйича эса — бўлимларга бирлашади.

Коллежда ўқув иили икки семестрга бўлинади. Таълим олаётганлар учун камида 10 ҳафта давом этадиган ва 12 ҳафтадан ортиқ бўлмаган таътил белгиланади.

13. Коллежда ўқиши кундузги шаклда амалга оширилади. Машғулотларнинг қанча давом этиши, ўқувчиларнинг ўқув юкламаси ва ўқув-тарбия жараёнининг бошқа масалалари ўрта маҳсус, касб-хунар таълим мининг давлат стандартларига мувофиқ белгиланади.

Коллежда ўқув синфлари ва гурухларининг сон таркиби (15 — 20 киши) қабул қилиш режасида белгиланади.

14. Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими дастури ўқиши йўналишлари бўйича умумтаълим, умумтехник касб-хунар ва маҳсус дастурларни ўз ичига олади.

15. Имкониятлари чекланган, умумий ўрта маълумотга эга бўлган шахслар учун ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ўқув дастурлари Олий ва ўрта маҳсус таълим вазиригининг Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими маркази томонидан Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирилиги билан биргаликда белгиланади.

16. Ҳар бир курсда ўқиши тамом бўлгандан кейин рейтинг назорати ва аттестация натижалари бўйича Коллеж ўқувчиларини курсдан курсга ўтказиш тўғрисида қарор қабул килинади. Курсдан курсга ўтказиш Коллеж директорининг буйруги билан амалга оширилади.

17. Коллежнинг ўқув дастурини ўзлаштирган ва якуний давлат аттестациясидан ўтган битириувчиларига ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тўғрисида давлат намунаси даги диплом берилади.

Дипломга ўзлаштирилган умумтаълим ва махсус фанлар, соатлар ҳажми ва улар бўйича баҳолар кўрсатилган холда қўшимча варакт илова қилинади.

Коллежни тугатганлик тўғрисидаги диплом эгалланган мутахассисликка муовифик меҳнат фаолиятини амалга ошириш хукукини беради.

18. Ўқувчиларни Коллеждан чиқариш қонун хужжатларида белгиланган тартибида амалга оширилади.

19. Коллежга қабул қилинган ўқувчилар қуийдаги хукукларга эга:

9 йиллик ёки 11 йиллик ўрта маълумотга эга бўлган тақдирда — ўқиш;

белгиланган нормалар доирасида озиқ-овқат билан бепул таъминланиш;

Коллежнинг моддий-техника базаси ва мол-мулкидан бепул фойдаланиш;

ётоқхонада яшаш;

бошқа таълим муассасасига ўтиш.

IV. Педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш

20. Тегишли маълумотга, профессионал тайёргарликка ва чекланган имкониятли шахслар билан ишлаш учун юксак ахлоқий сифатларга эга бўлган шахслар Коллежда педагогик фаолият билан шуфулланишга хақлидир.

21. Ўқитувчилар ва мухандис-педагог ходимларни Коллежда ишлашга қабул қилиш қонун хужжатларида белгиланган тартибида аттестациядан ўтказиш натижаларига кўра амалга оширилади.

22. Ўқитувчилар ва мухандис-педагог ходимларнинг ўқув-педагогик юкламаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мажкамаси томонидан белгиланади.

23. Ўқитувчиларнинг (ўқув предметлари ва соатлари бўйича) вазифасини вактингчалик бажариш тартиби Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг норматив хужжатлари билан белгиланади.

24. Иш жараённада ваколатли органлар томонидан Коллежнинг юқитувчилар ва мухандис-педагог ходимларини даврий аттестациядан ўтказиш амалга оширилади.

V. Коллежни бошқариш

25. Коллежга ташкилий, ўқув-методик ва илмий раҳбарлик қилиш, давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ўқув-таълим ва профессионал дастурларни бирхиллаштириш, педагог кадрлар билан таъминлаш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касбхунар таълими маркази, унинг ҳудудий бошқармалари томонидан тармоқ вазирликлари, идоралари ва ташкилотлари билан биргаликда амалга оширилади.

26. Тармоқ вазирликлари, идоралари ва ташкилотлари Коллежлари икки томонлама бўйисунувда бўлади. Тармоқ вазирликлари, идоралари ва ташкилотлари уларнинг моддий ва молиявий таъминотини, профессионал ўқитишини ҳамда ўқувчиларда амалий кўнікмаларни шакллантиришни амалга оширадилар, мутахассисларга бўлган эҳтиёжни аниқлайдилар, битирувчиларни ишга жойлаштириш масалаларини ҳал қиласидилар.

27. Коллежни қонун хужжатларида белгиланган тартибида лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган директор бошқаради.

28. Директор Коллеж фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, ўқувчиларнинг ўқиши ва тарбияси, махсус ўқув режалари ва дастурларининг бажарилиши, ўқув-ишлаб чиқариш ва молия-хўжалик фаолияти учун жавоб беради. Ход

димларнинг белгиланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида Коллежнинг штатлар рўйхатини, педагог ходимларнинг тарифлар бўйича рўйхатларини қонун хужжатларида белгиланган тартибда тасдиқлайди.

29. Коллеж ходимлари ва раҳбарларининг лавозим бўйича мажбуриятлари ва хукуқлари қонун хужжатларида ва Коллеж Уставида белгиланади.

30. Коллежда педагогик кенгашлар тузилади, улар Коллеж директори хузуридаги ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш ва такомиллаштиришга кўмаклашадиган коллегиал орган ҳисобланади.

Педагогик кенгаш функциялари Коллеж Уставида белгиланади.

31. Коллежда жамоат бошқаруви (ҳомийлик кенгашлари) ва ўзини ўзи бошқариш органлари тузилиши мумкин, уларнинг таркибига ҳомийлар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимиёт органлари, вазириклар, идоралар, жамоат ташкилотлари ҳамда қонун хужжатлари ва Устав асосида иш олиб борувчи жамғармалар вакиллари киритилади.

32. Коллежни аттестациядан ўтказиш ва аккредитация қилиш қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

VI. Молиялаштириш ва моддий-техника таъминоти

33. Коллеж фаолиятини молиялаштириш қонун хужжатларига мувофиқ қўйидагилар ҳисобига амалга оширилади:

бюджетдан ажратиладиган маблағлар;

таълим хизматлари кўрсатишдан, илмий-педагогик, ишлаб чиқариш ва таълим муассасаларининг Уставдаги вазифаларига мувофиқ бўлган бошқа фаолият турларидан олинган даромадлар;

ихтиёрий эхсонлар ҳамда юридик ва жисмоний шахсларнинг мақсадли бадаллари;

қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

34. Коллежнинг молиявий маблағлари унинг тасарруфида бўлади, улардан қонун хужжатларига ва Коллеж Уставига мувофиқ фойдаланилади.

35. Коллежнинг моддий воситалари, бинолари, иншоотлари ва асбоб-анжомлари унинг хўжалик тасарруфида бўлади ва улардан Уставдаги вазифаларни ҳал этиш учун фойдаланилади.

Коллежнинг устахоналари, лабораториялари ва бошқа обьектларининг жиҳозланганлиги Давлат таълим стандарти талабларига мувофиқ, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими таълим жараёнини моддий-техник таъминлаш нормативлари билан белгиланади.

36. Коллеж белгиланган тартибда ўз ишлари натижаларининг тезкор ва бухгалтерия ҳисобини амалга оширади, статистика ва бухгалтерия ҳисботини юритади.

Коллежда хўжалик ва молиявий интизомга риоя этилиши устидан назорат давлат ваколатли органлари томонидан амалга оширилади.

37. Моддий-техник жиҳозланганлик, бинолар ва хоналар имкониятлари чекланган шахсларни ўқитиш талабларига жавоб бериши керак.

VII. Халқаро ҳамкорлик

38. Коллежлар Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлатлароро ва хукуматлароро битимлари, шунингдек таълим соҳасидаги идоралароро битимлар асосида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш, хорижий шериллар билан ўз ваколатларига кирадиган масалалар бўйича қонун хужжатларига ва ўз Уставига мувофиқ битимлар тузиш хукуқига эга.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

201 Вазирлар Маҳкамасининг «Конларнинг Кандим гурухи участкаларига, Хаузак ва Шоди участкаларига ҳамда Қўнғирот участкасига нисбатан маҳсулот тақсимотига оид битимни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 14 сентябрдаги 428-сон қарорига қўшимча киритиш хақида

Маҳсулот тақсимотига оид битимлар доирасида валюта тушумини мажбурий сотиш масалаларини тартибга солувчи қонун хужжатлари бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Конларнинг Кандим гурухи участкаларига, Хаузак ва Шоди участкаларига ҳамда Қўнғирот участкасига нисбатан маҳсулот тақсимотига оид битимни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 14 сентябрдаги 428-сон қарорининг 2-бандига куйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши қўшилсин:

«операторнинг Ўзбекистон Республикаси резидентлари ҳисобланган пудратчилари (етказиб берувчилари) Битимни амалга ошириш бўйича операциялар доирасида ўзларининг ҳисоб рақамларига тушадиган валюта тушумининг мажбурий сотувини улар томонидан Битимни амалга ошириш мақсадида импорт қилинган товарлар (ишлар) хизматлар қўйматига камайтириб амалга оширадилар».

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазари**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 17 май,
101-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ

202 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлари га ўзгаришишлар киритиш ва айримларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рафбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 14 мартағи ПФ-3860-сон Фармони)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рафбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 14 мартағи ПФ-3860-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилиди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгаришишлар киритилсин.

2. Қўйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 16 сентябрдаги 447-ф-сон фармойиши;

Вазирлар Маҳкамасининг «Бож-тариф билан тартибга солишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 7 январдаги 4-сон қарорига 2-ило ва ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансанн.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

+

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазари**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 17 май,
102-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 17 майдаги 102-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгаришишлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида ташки савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 31 мартағи 137-сон қарори 5-бандининг тўққизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаб турган ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган технология жиҳозлари ҳамда бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, агар

уларни етказиб бериш технология жиҳозлари етказиб бериш учун тузилган контракт шартларида назарда тутилган бўлса, божхона божи тўлашдан озод қилинсин».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «2001 йилда асосий макроиктисодий кўрсаткичлар прогнози ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2000 йил 26 декабрдаги 500-сон қарорининг 10-банди қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«10. Белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхат бўйича янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш, ишлаб турган ишлаб чиқаришларни модернизация қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб келинадиган технология жиҳозлари ҳамда бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар, агар уларни етказиб бериш технология жиҳозлари етказиб бериш учун тузилган контракт шартларида назарда тутилган бўлса, божхона божи тўлашдан озод қилинсин».

3. Вазирлар Маҳкамасингинг «Бож-тариф билан тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 7 январдаги 4-сон қарорининг 2-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 1-сон, 1-модда) қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«2. Юридик шахслар томонидан ўз эҳтиёжлари учун четдан келтирилаётган, шунингдек вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларининг ташқи савдо компаниялари (бирлашмалари), «Ўзинтеримпекс», «Ўзмарказимпекс», «Ўзсаноатмашимпекс», «Марказсаноатэкспорт» давлат-акциядорлик ташқи савдо компаниялари ҳамда лизинг компаниялари орқали белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ четдан келтирилаётган технология жиҳозлари ҳамда бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмларга импорт бож пошлина ставкаси, агар уларни етказиб бериш технология жиҳозлари етказиб бериш учун тузилган контракт шартларида назарда тутилган бўлса, 2004 йил 1 январдан бошлаб ноль фоиз миқдорида белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Давлат солик қўмитаси ўз эҳтиёжлари учун четдан келтирилган технология жиҳозларидан белгиланган мақсадда фойдаланилиши устидан катъий назорат ўрнатсинлар. Четдан келтирилган технология жиҳозлари (технология жиҳозлари етказиб беришга тузилган контракт шартларига мувофиқ четдан келтирилган бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмлар)дан белгиланган мақсадда фойдаланилмаган, шунингдек импорт қилинган вақтдан бошлаб уч йил мобайнида сотилган ва текин берилган тақдирда уларга нисбатан қонун хужжатларида белгиланган импорт бож пошлиналари ставкалари татбиқ этилади».

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Корхоналарда ҳалқаро стандартларга мувофиқ бўлган сифатни бошқариш тизимларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 22 июлдаги 349-сон қарорининг 5-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 7-сон, 73-модда) қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Синов лабораторияларига эга бўлган корхоналар белгиланган тартибда тасдиқланадиган рўйхатга мувофиқ лабораторияда текшириш ва тест синовидан ўтказишда фойдаланиладиган технология жиҳозлари, шунингдек бутловчи буюмлар ва эҳтиёт қисмларни четдан келтиришда, агар уларни етказиб бериш технология жиҳозлари етказиб бериш учун тузилган контракт шартларида назарда тутилган бўлса, божхона тўловларидан, шу жумладан қўшилган қиймат солигидан озод қилинсин (божхонада расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно)».

+

-

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ПАТЕНТ ИДОРАСИ
ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУФИ

**203 «Фойдали моделга, саноат намунасига ҳамда дори
воситаси ёки пестицидга тааллуқли ихтирога Ўзбе-
кистон Республикаси патентининг амал қилишини узайтириш
қоидалари»ни тасдиқлаш тўғрисида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
5 майда 1678-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 15 майдан кучга киради)

«Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунiga мувофик **буюраман**:

— 1. «Фойдали моделга, саноат намунасига ҳамда дори воситаси ёки пестицидга тааллуқли ихтирога Ўзбекистон Республикаси патентининг амал қилишини узайтириш қоидалари» иловага мувофик тасдиқлансан.

+

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг 10 кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Давлат патент
идораси директори**

А. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 3 апрель,
25-сон

Давлат патент идораси директорининг
2007 йил 3 апрелдаги 25-сонли
буйруги билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Фойдали моделга, саноат намунасига ҳамда дори воситаси ёки
пестицидга тааллуқли ихтирога Ўзбекистон Республикаси
патентининг амал қилишини узайтириш
КОИДАЛАРИ**

Фойдали моделга, саноат намунасига ҳамда дори воситаси ёки пестицидга тааллуқли ихтирога Ўзбекистон Республикаси патентининг амал қилишини узайтириш қоидалари (кейинги ўринларда Қоидалар деб юритилади) «Ихтиrolар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қону-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

нига (кейинги ўринларда Қонун деб юритилади) (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2002 йил 19-сон, 143-модда) мувофиқ фойдали моделга, саноат намунасига ҳамда дори воситаси ёки пестицидга тааллуқли ихтирога Ўзбекистон Республикаси патентининг амал қилишини узайтириш тартибини белгилайди.

1-§. Умумий қоидалар

1. Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ патент бериш хақидаги талабнома Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идорасига (кейинги ўринларда Патент идораси деб юритилади) топширилган санадан эътиборан ихтиро патенти йигирма йил, саноат намунаси патенти ўн йил, фойдали модел патенти беш йил мобайнода амал қилади.

Фойдали модел патентининг, саноат намунаси патентининг амал қилиши тегишинча уч ва беш йилга узайтирилиши мумкин.

Ихтиро патентининг амал қилиши қонун хужжатларида назарда тутилган холларда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин.

2. Кўлланилиши учун белгиланган тартибда ваколати органдан рухсатнома олиниши лозим бўлган дори воситаси ёки пестицидга тааллуқли ихтиро патентининг (кейинги ўринларда ихтиро патенти деб юритилади) амал қилиши ихтирога талабнома бериш санасидан бошлаб маҳсулотни қўллаш учун биринчи рухсатнома олинган санага қадар ҳисобланадиган муддатга узайтирилади. Бунда ихтиро патентининг амал қилишининг узайтириладиган муддати беш йилдан ошмаслиги керак.

3. Фойдали модел патентининг, саноат намунаси патентининг амал қилишини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома Патент идорасига патентнинг амал қилиши тугагунга қадар сўнгги уч ой ичидаги ёки патентнинг амал қилиши тугагандан кейин олти ой ичидаги қўшимча патент божини тўлаш шарти билан берилади.

4. Фойдали модел патентининг, саноат намунаси патентининг амал қилишини узайтириш учун қонун хужжатларида белгиланган микдорда патент божи тўланади.

5. Ихтиро патентининг амал қилишини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома Патент идорасига патентнинг амал қилиши давомида маҳсулотни қўллаш учун биринчи рухсатнома олинган санадан олти ой ўтгунига қадар ёки патентни бериш санасидан, мазкур муддатларнинг қайси бири кечроқ тугашига боғлиқ ҳолда берилади.

6. Фойдали модел патентининг, саноат намунаси патентининг, ихтиро патентининг (кейинги ўринларда патент деб юритилади) амал қилишини узайтиришга доир ишларни юритиш мустакил равишда патент эгаси томонидан, ваколати қонун хужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома билан тасдиқланадиган вакил ёки патент вакили орқали амалга оширилади.

2-§. Илтимосномани бериш ва кўриб чиқиш

7. Патентнинг амал қилишини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома мазкур Қоидаларнинг 1 ва 2-иоловаларда келтирилган шакл бўйича тақдим этилади.

Илтимоснома патент эгаси ёки унинг вакили томонидан имзоланади. Юридик шахс номидан илтимоснома лавозими кўрсатилган ҳолда раҳбар томонидан имзоланади. Имзо муҳр билан тасдиқланади.

8. Фойдали модел патентининг, саноат намунаси патентининг амал қилишини узайтириш тўғрисидаги илтимосномага патентнинг амал қилишини узайтириш учун

белгиланган миқдорда патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

Белгиланган миқдорда патент божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилмаганида илтимосномани кўриб чиқишга доир юридик аҳамиятга эга харатлар амалга оширилмайди.

9. Ихтиро патентининг амал қилишини узайтириш тўғрисидаги илтимосномага патентланган ихтиро формуласида тавсифланган маҳсулот билан идентификациялашга имкон берадиган маҳсулот тўғрисидаги маълумотларни, рўйхатдан ўтказилган рақами ва ваколатли органдан ушбу маҳсулотни кўллаш учун биринчи рухсатнома олинган санани ичига олган расмий ҳужжатнинг тасдиқланган нусхаси (расмий ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхалари) илова қилинади.

10. Зарурият бўлганида илтимосномага вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи ишончнома, шунингдек ворислик ҳуқуқи ёки меросга бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжат илова қилинади.

11. Илтимоснома ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар Патент идорасига бевосита берилади ёки почта орқали юборилади.

12. Ишончнома ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар келиб тушган кундан бошлаб ўн беш кунлик муддат ичida барча керакли ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг ушбу Қоидаларнинг 1 — 11-бандларида белгиланган талабларга мос келиши текширилади.

13. Ушбу Қоидаларнинг 7 — 10-бандларида кўрсатиб ўтилган керакли ҳужжатлар мавжуд бўлмаган ва/ёки нотўғри расмийлаштирилган тақдирда, патент эгасига мавжуд бўлмаган ва/ёки тузатилган ҳужжатларни сўровнома жўнатилган санадан бошлаб уч ой ичida тақдим этиш зарурлиги тўғрисида сўровнома юборилади. Бунда ишончномани кўриб чиқишнинг белгиланган муддатининг ўтиши етишмаётган ёки тузатилган ҳужжатларнинг охиргиси келиб тушгунга қадар тўхтатиб турилади.

14. Тақдим этилган ҳужжатлар мазкур Қоидаларнинг талабларига мос келганида патентнинг амал қилиши узайтирилади.

Патентнинг амал қилишини узайтириш тўғрисидаги маълумотлар тегишли Давлат реестрига киритилади ва Патент идорасининг расмий бюллетенида эълон қилинади. Патент эгасига патентнинг амал қилиши узайтирилганлиги тўғрисидаги ёзувли «Патентга илова» юборилади.

15. Тақдим этилган ҳужжатлар мазкур Қоидаларнинг талабларига мос келмаганида, шунингдек тузатилган ёки етишмаётган ҳужжатлар белгиланган муддатда тақдим этилмаган тақдарда Патент идораси патент эгасига илтимосномани қаноатлантириш рад этилганлиги тўғрисидаги рад этиш асослари кўрсатилган билдиришномани юборади.

+

Фойдали моделга, саноат намунасига
хамда дори воситаси ёки пестицидга
тааллукли ихтирога Ўзбекистон Республикаси
патентининг амал қилишини узайтириш қоидаларига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент
идораси
700047, Тошкент шаҳри, Тўйтепа кўчаси,
2а ўй.

(Ф.И.О., ёки

юридик шахснинг номи)

Манзил _____
Телефон _____

ИЛТИМОСНОМА

- саноат намунаси
- фойдали модел

№ _____ рақамли патентининг амал қилишини узайтириб берингизни сўрайман.

+ Патентнинг амал қилиши _____ да тугайди (тугаган). —
(кун, ой, йил)

Илова қилинаётган хужжатлар (кераклиси [X] билан қайд этилсин)

- патентнинг амал қилишини узайтириш учун патент божи тўланганлигини тасдиқловчи хужжат;
- меросга бўлган хукуқни ёки ворислик хукуқини тасдиқловчи хужжатнинг нусхаси;
- ишларни юритиш учун ишончнома.

Патент эгаси

(лавозими, Ф.И.О., имзо)

Сана _____

(М.Ў.)

Фойдали моделга, саноат намунасиға ҳамда
дори воситаси ёки пестицидга тааллукли
ихтирога Ўзбекистон Республикаси патен-
тининг амал қилишини узайтириш қоидала-
рига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Давлат патент
идораси
700047, Тошкент шаҳри, Тўйтепа кўчаси,
2а ўй.

(Ф.И.О., ёки

юридик шахснинг номи)

Манзил _____
Телефон _____

ИЛТИМОСНОМА

Ихтиро формуласининг _____ мустакил бандида тавсифланган

- дори воситасига
- пестицидга

— тааллукли ихтирога № _____ рақами патентининг амал қилишини узайтириб
беришингизни сўрайман. +

Илова қилинаётган хужжатлар (кераклиси [X] билан қайд этилсин)

- Фойдали моделга, саноат намунасиға ҳамда дори воситаси ёки пести-
цидга тааллукли ихтирога Ўзбекистон Республикаси патентининг амал
қилишини узайтириш қоидаларининг 10-бандида назарда тутилган рас-
мий хужжатнинг тасдиқланган нусхаси;
- меросга бўлган хуқуқни ёки ворислик хуқуқини тасдиқловчи хужжатнинг
нусхаси;
- ишларни юритиш учун ишончнома.

Патент эгаси

(лавозими, Ф.И.О., имзо)

Сана _____

(М.Ё.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ
ҚҮМИТАСИННИНГ
ҚАРОРИ

204 Давлат улушларини бошқариш бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
7 майда 1262-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 17 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур дараҷада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 16 октябрдаги 215-сонли қарорига мувофиқ (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2006 й., 42-сон, 417-модда) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2003 йил 16 июлдаги 86, 01/06-7-сонли қарори билан тасдиқланган «Давлат улушларини бошқариш бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом»га (2003 йил 1 август, рўйхат рақами 1262 — Меъерий хужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 15-сон; Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 15-сон, 180-модда; 2006 й., 8-сон, 56-модда) иловага* мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 6 апрель,
37-сон

**Давлат мулкин бошқариш
давлат қўмитаси раиси**

Д. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2007 йил 6 апрель,
01/12-18/08-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

205 Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган ҳужжатларнинг сақланиш муддатлари рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
8 майда 951-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 18 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Конунининг 7 ва 51-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қиласди**:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруvinинг 2000 йил 3 июн-даги 10/10-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган ҳужжатларнинг сақланиш муддатлари рўйхатига» (2000 йил 26 июль, рўйхат рақами 951) иловага* мувофиқ қўшимчалар киритилсинг.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб 10 кундан сўнг кучга киради.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк раисининг ўринбосари М.Ё. Эшматов зиммасига юклатилсинг.

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 31 март,
10/6-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИНИ БОШҚАРИШ ДАВЛАТ
 ҚҮМИТАСИННИНГ
 ҚАРОРИ

206 Биржа савдоларида шифер сотиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
8 майда 1679-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 18 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Махсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юкори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сон қарорига мувофиқ **қарор қиласиз:**

1. Биржа савдоларида шифер сотиш тартиби ҳақидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

+

Иқтисодиёт вазири**Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,
 2007 йил 9 апрель,
 24-сон

Молия вазири**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
 2007 йил 9 апрель,
 51-сон

**Давлат мулкини бошқариш
давлат қўмитаси раиси****Д. МУСАЕВ**

Тошкент ш.,
 2007 йил 9 апрель,
 01/УзРТСБ-18/10-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

Иктисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги,
 Давлат мулкини бошқариш давлат
 қўмитасининг 2007 йил 9 апрелдаги
 24, 51, 01 /УзРТСБ-18/ 10-сон
 карори билан
 ТАСДИҚЛАНГАН

Биржа савдоларида шифер сотиш тартиби ҳақидаги НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор механизмларини жорий этишни давом эттириш тўғрисида» 2004 йил 5 февралдаги 57-сонли (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, 5-сон, 57-модда) карорига мувофиқ шиферни сотиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом шиферни ишлаб чиқарувчи, етказиб берувчи ва ундан фойдаланувчи — Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган корхона ва ташкилотларга татбиқ этилади.
2. Ушбу Низомга мувофиқ сотиб олинган шифер факат Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлатилиши мумкин.
3. Шиферни сотиш товар-хом ашё биржаларида (кейинги ўринларда Биржа деб юритилади) электрон биржа савдолари тизимидан фойдаланган ҳолда реал вақт режимида амалга оширилади.

II. Асосий тушунчалар

4. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалар кўлланилган:
маҳсулот — биржа савдоларида истеъмолчиларга сотиладиган шифер;
биржа савдолари электрон тизими — биржа аъзоларига республиканинг хар бир географик нуқтасидан аниқ вақт режимида узоқ масофадан туриб биржа савдоларида иштирок этиш имконини берадиган дастурий аппарат воситалари мажмуидан иборат глобал тақсимланган ахборот тизими;
хисоб китоб-клиринг палатаси (кейинги ўринларда ҲККП деб юритилади) — биржа битишувлари бўйича клиринг, хисоб-китоблар ва ўзаро хисоб-китоблар ўтказилишини таъминловчи Биржанинг тузилмавий бўлинмаси;
сотувчи — маҳсулот ишлаб чиқарувчи, уларни биржа савдоларига қўювчи ва сотувчи Ўзбекистон Республикаси корхоналари;
харидор — ишларни бажариш учун шифердан фойдаланувчи, шунингдек ултуржи ва/ёки чакана савдо қилиш ҳуқуқига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар;
закалат — Биржада амалга ошириладиган битишувларни бажарилиши кафолатини таъминлаш учун харидорлар ва сотувчилар томонидан Биржага хизмат кўрсатувчи банкдаги ҲККПнинг иккиламчи депозит хисобвараfiga топшириладиган битишувларни кафолатли таъминлаш маблағи;
- битишув баённомаси** — харидор ва сотувчига биржа савдоларини ўтказиш яқунлари бўйича бериладиган, сотувчи, харидор ва биржа брокери томонидан имзо-

ланган, тарафларни белгиланган муддатда талаб ва таклиф нархи бўйича биржа савдолари натижаларига кўра харид қилинган ҳажмда маҳсулотнинг олди-сотди шартномасини тузиш мажбуриятини юклайдиган хужжат;

нархлар котировкаси — биржа савдоларининг бир куни учун Биржада ўтказиладиган савдо сессиялари натижалари бўйича аниқланган маҳсулотга ўртача нарх;

тўланган битишувлар реестри — тузилган олди-сотди шартномаси бўйича мажбуриятларнинг тўлик қопланишини таъминлайдиган микдордаги маблағларнинг харидорнинг ҲККПдаги шахсий ҳисобварафига келиб тушганлигини тасдиқловчи хужжат.

III. Шифер ҳажмларини шакллантириш ва уни сотиш тартиби

5. Сотувчилар, келгуси йилга мўлжалланган маҳсулот сотиш ҳажмларидан келиб чиқсан ҳолда, ҳар чоракда, кейинги чорак бошланишидан 10 кун олдин Ўзбекистон Республикаси Иктисадиёт вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш Давлат қўмитаси билан келишилган, кунлар бўйича тақсимланган, биржа савдолари орқали ҳар ойда сотиш учун мўлжалланган маҳсулот ҳажми кўрсатилган жадвалларини Биржага тақдим этади.

6. Сотувчилар йилига бир марта Биржа билан биргаликдаги фаолият тўғрисида сотувчиларнинг биржа савдоларида иштирок этиш шартлари, шартнома тузган томонларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарликлари белгиланган шартномалар тузадилар.

+ Савдолар мунтазам равища иш кунларида ўтказиб борилади.

- 7. Биржа савдолари Ўзбекистон Республикасининг «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Конунига ва биржа савдолари коидаларига мувофиқ амалга оширилади.

8. Биржа савдоларининг ўтказилиши, биржа сессияларининг давомийлиги, сотугва қўйиладиган маҳсулотлар ҳажми тўғрисидаги ахборот Биржа томонидан харидорларга мажбурий тартибда брокерлар, оммавий ахборот воситалари ҳамда бошқа ахборот каналлари, шу жумладан Интернет тармоғи орқали етказилади.

Ахборотга маҳсулотни жойлашган жойи, уни ишлаб чиқарувчи корхона, шунингдек бошлангич нархи тўғрисидаги маълумотлар киритилиши шарт.

9. Биржа барча савдо иштирокчиларига, уларнинг худудий жойлашишидан қатъи назар, электрон савдоларда бир вақтда иштирок этиш имконини таъминлаб бериши шарт.

10. Савдоларни ўтказиш, қўйилган закалат суммасига мувофиқ ҳар бир савдо бўйича иштирокчиларни киритиш ва четлатиш, электрон биржа савдолари ғолибларини аниқлаш ва битишувларни рўйхатга олиш ишлари биржа савдолари электрон тизими орқали амалга оширилади.

11. Битишувларни рўйхатга олиш куни Биржа брокерга битишув баённомаси ва намунавий олди-сотди шартномасини расмийлаштириш учун тақдим этади.

12. Олди-сотди шартномаси битишув баённомасида назарда тутилган шартларда у олинган кунда расмийлаштирилади. Битишув баённомаси шартларининг бажарилиши томонлар учун мажбурийдир.

13. Савдолда сотилмай қолган маҳсулот ҳажми кейинги савдоларга кўчирилади. Бунда, сотувчилар маҳсулотни тўғридан-тўғри шартномалар бўйича факат биржа савдоларига қўйилган пайтдан бошлаб бир ой мобайнода сотилмаган ҳажмларда

олдинги ҳафтадаги биржа савдолари натижаларида вужудга келган ўртача нархлар бўйича сотиш ҳуқуқига эга.

14. Биржа томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳаки сотувчи ва харидорлар учун Биржа томонидан Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Биржа хизматлари тарифларига мувофиқ ўрнатилади.

15. Харидор томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда, сотувчи маҳсулотни қайта савдога кўяди.

16. Маҳсулотни тузилган олди-сотди шартномалар бўйича сотиш олдиндан тўловни тўлиқ тўлаш ёки етказиб бериладиган маҳсулотнинг ҳар бир партияси учун чақириб олинмайдиган аккредитив қўйиш шарти билан амалга оширилади.

IV. Шифер нархларини аниқлаш ва ўзаро ҳисоб-китоблар механизми

17. Маҳсулотни биржа савдоларига қўйишдаги бошлангич нархи сотувчи томонидан декларацияланадиган нарх (монополист корхоналар учун) ва улгуржи сотиш нархи (бошқа корхоналар учун) даражасида белgilanadi.

18. Биржа савдоларида тузилган битишувлар бажарилишининг молиявий кафолатини таъминлаш учун биржа савдоларида тузилган битишувлар бўйича ҳисоб-китоблар Биржа ҲҚҚП орқали амалга оширилади.

19. Ҳисоб-китобларни амалга ошириш мақсадида, ҲҚҚП Биржага хизмат кўрсатувчи банкда харидорлар ва сотувчиларнинг маблағларини сақлаш ва биржа битишувлари бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун хизмат қиладиган иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварафини очади. Иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварафи Биржага хизмат кўрсатувчи банкда иккиламчи депозит ҳисобварафини очиш тўғрисидаги аризага мувофиқ очилади.

20. Сотувчи ва харидорларнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварафидаги маблағлари ҳаракатини назорат қилиш учун ҲҚҚП ҳар бир сотувчи ва харидорга фойдаланувчининг шахсий рақамига (кейинги ўринларда ФШР деб юритилади) мос келувчи алоҳида шахсий ҳисобварақ очади.

Сотувчи ва харидорларнинг маблағлари ушбу шахсий ҳисобварақларда ҲҚҚПнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча ҳисобварафи доирасида ҳисобга олиниади.

21. ҲҚҚП биржа савдоси иштирокчиларига уларга хизмат кўрсатиш шартлари, уларнинг маблағлари ҳолати тўғрисида ўз вактида хабардор қилиб туриши шарт.

ҲҚҚП томонидан мижознинг шахсий ҳисобварафи ҳолати тўғрисидаги маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этилиши ман этилади.

22. Биржа мижозларнинг сўровларига кўра уларни биржа клиринги натижалари, улар маблағларининг ҳолати ва жорий савдо кунида белgilanган лимитлари тўғрисида хабардор қилиб туриши шарт.

23. Сотувчи ва харидорлар Биржага хизмат килувчи банкдаги ҲҚҚПнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварафига биржа савдоларига қўйилган маҳсулот умумий қийматининг ва мўлжалланаётган битишув ҳажмининг 2 фоизгача бўлган микдордаги закалатни депозитга қўядилар.

24. Харидорлар Биржада депонентга кўйилган закалат ҳисобга олинган ҳолда тўлаш мўлжалланаётган маблаг ҳажмидар ҳақлидир.

25. Биржага хизмат кўрсатувчи банкдаги ҲҚҚПнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварафидаги сотувчилар ва харидорларнинг маблағларидан:

битишувлар бўйича мажбуриятлар бажарилиши ва улар ўртасида тузилган шартномалар билан боғлиқ бўлган ўзаро хисоб-китобларни амалга ошириш учун;

битишув амалга оширилмаган ёки бекор қилинган тақдирда, ҲҚҚПдаги хисобварақнинг эгаси – мижознинг банкдаги асосий талаб қилиб олингунча депозит хисобварафига қайтариш учун;

депонентга қўйилган маблағлар хисобидан Биржага хизматларига ҳак тўлаш бўйича хисоб-китобларни амалга ошириш учун фойдаланилади.

26. Биржага битишуви рўйхатга олинганидан кейин беш банк иш кунида харидор тузилган олди-сотди шартномаси бўйича молиявий мажбуриятларни тўлиқ қоплаш учун Биржага хизмат кўрсатувчи банкдаги ҲҚҚПнинг иккиламчи талаб қилиб олингунча депозит хисобварафига қўшимча маблағларни ўтказиши шарт. Бунда маблағни ўтказиш учун тўлов топшириқномасининг «тўлов мақсади» устунида харидорнинг ФШРи мажбурий тартибда кўрсатилиши шарт.

Махсулот темир йўл транспорти орқали жўнатилганда, биржага битишуви рўйхатдан ўтказилгандан кейин беш банк иш кунида темир йўл тарифлари қийматини тўлиқ қоплаш учун сотовчининг асосий талаб қилиб олингунча депозит хисобварафига маблағ ўтказиши шарт.

27. ҲҚҚП харидордан маблағ келиб тушган вактдан бошлаб бир банк иш кунида сотовчига тўланган битишувлар реестрини тақдим этиши шарт.

28. Агар харидор ушбу Низомнинг 26-бандида белгиланган муддатда биржага шартномасига мувоғик маблағларни тўлиқ ҳажмда ўтказилишини таъминламаса, ҲҚҚП кўрсатилган муддат ўтганидан кейин сотовчи ҳамда Биржага битишув бекор қилинганлиги тўғрисида дархол маълум қиласи ва Биржанинг воситачилик ҳақини чегириб қолган ҳолда шартнома мажбуриятлари бажарилмаганлиги учун сотовчининг хисобварафига жарима чораси сифатида закалат миқдоридан кам бўлмаган миқдордаги маблағларни киритади.

Битишув бўйича бекор қилинган махсулот ҳажми сотовчи томонидан қайта савдога қўйилади.

29. Сотовчи томонидан махсулотни харидорга олди-сотди шартномасида белгиланган муддатларда юклаб жўнатиш бўйича шартномавий мажбуриятлар бажарилмаса, ҲҚҚП шартномада белгиланган муддатдан кейин Биржанинг воситачилик ҳақини чегириб қолган ҳолда махсулотни етказиб бериш учун белгиланган қийматдан 2 фоиз миқдордаги маблағни жарима чораси сифатида харидор хисобига киритиб қўяди ҳамда харидор, сотовчи ва Биржага битишув бекор қилинганлиги тўғрисида хабар қиласи.

Битишув бўйича бекор қилинган махсулот ҳажми сотовчи томонидан қайта савдога қўйилади.

30. ҲҚҚП томонидан тақдим этилган тўланган битишувлар реестри сотовчининг махсулотни харидорга юклаб жўнатишига асос бўлади.

Махсулот сотовчи томонидан харидор ўзининг мажбуриятларини бажарганлиги фактини ҲҚҚП томонидан тасдиқланмасдан жўнатилган тақдирда, Биржага рўйхатдан ўтказилган биржага шартномаси бўйича харидор томонидан мажбуриятлар виж-донализларча бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

31. Махсулот жўнатилганлиги ва қабул қилиб олинганлиги фактини харидор ва сотовчи (ёки уларнинг ваколатли вакиллари) имзолари билан тасдиқланган юк хатининг нусхаси тасдиқлайди.

Махсулот темир йўл транспорти орқали жўнатилганда махсулот жўнатилганлиги фактини темир йўл юк хатининг нусхаси тасдиқлайди.

Юк хати нусхасининг тақдим этилиши ҲҚҚП томонидан бир банк иш кунида

харидорнинг шахсий хисобварагидан маблағларни сотувчининг унга хизмат кўрсатувчи банкдаги асосий талаб қилиб олингунча депозит хисобварагига ўтказиш ва битишуви ёпиш учун асос бўлади.

32. Махсулотни биржа савдолари ғолибларига юклаб жўнатиш олди-сотди шартномаларида назарда тутилган муддатларда сотувчининг нарядлари бўйича амалга оширилади.

V. Томонларнинг жавобгарлиги ва низолар ҳал этилиши

33. Харидор билан сотувчи ўртасида тузилган шартномалардаги мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги учун томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг конун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

34. Биржа аъзолари, биржа савдолари иштирокчилари ва уларнинг мижозлари ўртасидаги биржа савдо қоидаларида назарда тутилган масалалар бўйича юзага келадиган низолар Биржа арбитраж комиссияси ёки суд орқали ҳал қилинади. Арбитраж комиссияси томонидан низоларни кўриб чиқиш учун йиғимлар ундирилиши ман этилади.

35. Харидорлар ва сотувчилар ўртасида юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

VI. Ахборот таъминоти ва мазкур Низом бажарилиши юзасидан мониторинг

— 36. Биржанинг котировка ҳайъати ўтказилган биржа савдолари натижаси бўйича биржада сотилган маҳсулот баҳоларининг биржа котировкасини аниқлайди ва ҳар ҳафта оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи сахифаларида эълон қилиб боради.

+ 37. Сотувчилар ва Биржа хисобот чорагидан кейинги ойнинг 5-кунидан кечиктирмай Ўзбекистон Республикаси Иктисадиёт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, ракобат ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш Давлат қўмитасига савдога қўйилган ва сотилган маҳсулот ҳажмлари, шунингдек ушбу Низомга мувофиқ сотилган маҳсулотнинг хақиқатдаги амалга оширилган етказиб беришлари тўғрисида ахборот беради.

VII. Якуний қоида

38. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, ракобат ва тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш Давлат қўмитаси, «Ўзқурилишматериаллари» Компанияси ва «ЎзРМХБ» ОАЖ билан келишилган.

*Марказий банк
Бошқаруви раиси*

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 4 апрель*

*Монополиядан чиқариш, рақобат ва
тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
Давлат қўмитаси раиси в.б.*

Б. УЛАШОВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 5 апрель*

*«Ўзқурилишматериаллари»
Компанияси раиси*

Э. АКРАМОВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 6 апрель*

*«Ўзбекистон Республикаси мол-хом
ашё биржаси» ОАЖ бошқарув раиси*

Т. ТЎХТАБОЕВ

*Тошкент ш.,
2007 йил 7 апрель*

+

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ*

-

207 Норматив-хуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чи- қариш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
8 майда 1267-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 18 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пахта толасини сотиш ва унинг учун хисоб-китоб қилиш механизмини тартибга солиш тўғрисида» 2006 йил 29 августдағи ПҚ-456-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш тўғрисида» 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарорига асосан ҳамда Иқтисодиёт вазирлигининг 2007 йил 18 апрелдаги 4-2/6-505-сон хатини инобатга олган ҳолда, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 29 августда 1267-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги ва «Ўзпахтасаноат» ушмасининг 2003 йил 28 июлдаги 10, 01/06-8, 87, 01/3149-сон «Пахта толасини Ўзбекистон Республикаси мол-хом ашё биржаси (ЎзРМҲАБ) орқали сотиш ва унинг учун «Пахтасаноат» худудий акциядорлик бирлашмалари билан хисоб-китоб қилишнинг вақтинчалик низомини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори Ўзбекистон Республикаси ва-

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

зирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-хуқуқий хужжатларининг Давлат реестридан чиқарилсин ва бу ҳақда мазкур Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Иктисадиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» уюшмаси мазкур хужжатнинг Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-хуқуқий хужжатларининг Давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Идоравий меъёрий хужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (С. Саттаров) ушбу норматив-хуқуқий хужжатни Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-хуқуқий хужжатларининг Давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши устидан назоратни таъминласин.

4. Конун хужжатларини туркумлаш ва хуқукий ахборот бошқармаси (А. Инанбабаев) ушбу буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринbosари Е. Канъязов зиммасига юклансин.

Адлия вазири

Ф. ОТАХОНОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 8 май,
84-мх-сон

+

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУФИ

208 Норматив-хуқуқий хужжатни Давлат реестридан чиқариш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
8 майда 15-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 18 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Автомототранспорт воситаларини рўйхатдан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг ҳисобини олиб бориш, миллий давлат рақами белгиларини бериш ва уларни алмаштириш ишларини тартибга солиш ҳақида» 1997 йил 26 майдаги 256-сон ва «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий хужжатларининг қонунийлигини таъминлаш тўғрисида» 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарорларига асосан ҳамда Ички ишлар вазир-

Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 й.

лигининг 2007 йил 4 апрелдаги 24/8-1273-сон хатини инобатга олган ҳолда, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1994 йил 19 январда 15-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқароларининг транспорт воситаларида ҳаракатланиш тартиби ва Халқаро автомобиль йўлларида йўл-патруль хизматини ташкил қилиш бўйича Йўриқнома» Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-хукуқий хужжатларининг Давлат реестридан чиқарилсун ва бу ҳақда мазкур давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги мазкур хужжатнинг Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-хукуқий хужжатларининг Давлат реестридан чиқарилсанлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Идоравий мебёрий хужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (С. Саттаров) ушбу норматив-хукуқий хужжатни Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-хукуқий хужжатларининг Давлат реестридан чиқарилсанлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши устидан назоратни таъминласин.

4. Қонун хужжатларини туркумлаш ва хукуқий ахборот бошқармаси (А. Инанбабаев) ушбу буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринbosари Е. Канъязов зиммасига юклансин.

+

-

Адлия вазири**Ф. ОТАХОНОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 8 май,
85-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

209 Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг маҳсус жамғармаси тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
17 майда 177-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 1 сентябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада тасдиқланган Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг маҳсус жамғармаси тўғрисидаги низомнинг (1995 йил 20 сентябр, рўйхат рақами 177) II-боби қўйидаги таҳрирдаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1995 йил 8 сентябрда 98-сон билан тасдиқланган Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг маҳсус жамғармаси тўғрисидаги низомнинг (1995 йил 20 сентябр, рўйхат рақами 177) II-боби қўйидаги таҳрирдаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Болалар, қариялар ва ногиронларнинг «Мурувват» ва «Саховат» интернат-уилари, жисмоний ривожланиш имконияти чекланган ва жисмоний нуқсонлари бўлган шахслар учун ихтисослаштирилган колледжлар, уруш ва меҳнат фахрийлари санаторийлари, ногиронлар реабилитация марказлари ва уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизмати ходимларини моддий рағбатлантириш фонди меҳнатга хақ тўлаш фонди хисобидан 25% микдорда ташкил этилади.

2. Мазкур буйруқ 2007 йил 1 сентябрдан кучга киритилсин.

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2007 йил 30 апрель,
45-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

210 Ҳисоб-китобларни «Банк — Мижоз» дастурий мажмуаси орқали амалга ошириш тўғрисидаги низомга ўзгартришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
17 майда 497-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 27 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тўловлар тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги конунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қиласди**:

1. Ҳисоб-китобларни «Банк — Мижоз» дастурий мажмуаси орқали амалга ошириш тўғрисидаги низомга (1998 йил 8 октябрь, рўйхат рақами 497) иловага* мувофиқ ўзгартришлар киритилсун.

2. Ушбу карор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг 10 қундан кейин кучга киритилсун.

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Ф. МУЛЛАЖНОВ

+

-

Тошкент ш.,
2007 йил 24 апрель,
12/4-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

211

Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартериш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
17 майда 1122-б-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 27 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тўловлар тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги конунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади**:

1. Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга (2007 йил 15 апрель, рўйхат рақами 1122) иловага* мувофиқ ўзгартериш киритилсин.

2. Ушбу карор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг 10 қундан кейин кучга киради.

**Марказий банк
Бошқаруви раиси**

Ф. МУЛЛАЖНОВ

—

+

Тошкент ш.,
2007 йил 24 апрель,
12/3-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИННИГ
ҚАРОРИ

212

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигини хисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш хақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил
17 майда 1680-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2007 йил 27 майдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солик кодекси ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат солик хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ **қарор қиласиз:**

1. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигини хисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг 2002 йил 14 январда 9, 2002-6-сон билан тасдиқланган «Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигини хисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш хақида»ги қарори (2002 йил 15 февраль, рўйхат рақами 1100 — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 3-сон);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг 2003 йил 18 февралда 31, 2003-30-сон билан тасдиқланган «Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигини хисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги қарори (2003 йил 28 февраль, рўйхат рақами 1100-1 — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 4-сон);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг 2004 йил 6 январда 3, 2004-03-сон билан тасдиқланган «Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигини хисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги қарори (2004 йил 30 январь, рўйхат рақами 1100-2 — Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2004 й., 4-сон, 49-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солик қўмитасининг 2005 йил 18 январда 10, 2005-07-сон билан тасдиқланган «Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигини хисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш хақида»ги қарори (2005 йил 8 февраль, рўйхат рақами 1100-3 — Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2005 й., 5-6-сонлар, 46-модда);

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2007 йил 6 апрель,
38-сон

**Давлат солик
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2007 йил 6 апрель,
2007-27-сон

Р. АЗИМОВ**Б. ПАРПИЕВ**

Молия вазирлиги ва Давлат солик
қўмитасининг 2007 йил 6 апрелдаги
38, 2007-27-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани
ривожлантириш солифини хисоблаб чиқариш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги
ЎЎРИҚНОМА**

Мазкур ЎЎриқнома Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексига мувофиқ ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солифини хисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартибини белгилайди.

I. Соликни тўловчилар

1. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солифини тўловчилари бўлиб тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахслар — Ўзбекистон Республикасининг резидентлари хисобланадилар.

Солик солиш мақсадида мазкур ЎЎриқномада юридик шахслар деганда мулкида, хўжалик юритишида ёки тезкор бошқарувида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек мустақил баланс ва хисоб рақамига эга бўлган алоҳида бўлинмалар ҳам тушунилади.

2. Куйидагилар ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солифини тўловчилари бўлиб хисобланмайдилар:

а) нотижорат ташкилотлари. Бунда тадбиркорлик фаолиятидан даромад олувчи нотижорат ташкилотлари ушбу фаолият бўйича соликни умумбелгилангандар тартибда тўлайдилар;

б) солик солишининг соддалаштирилган тартиби ўрнатилган юридик шахслар, агар уларда қонунчиликка биноан ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солифини тўлаш мажбурияти юзага келмаса.

II. Солиқ солиши объекттерінде солиқ солинадиган база

3. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигини хисоблашда солик солиш объекти бўлиб, хисобланган фойда солиги чегирилганидан кейинги соф фойда(даромад) хисобланади.

4. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигини хисоблашда соликні тұловчилар учун солиқ солиши базасы бўлиб:

- а) балансида ижтимоий инфратузилма обьектлари бўлмаганлар учун — соғ фойда;

б) балансида ижтимоий инфратузилма обьектлари бўлганлар учун — тўғриланган соғ фойда хисобланади.

Тұғриланған соғ фойда қүйидаги формула асосида аниқланады:

Сф + Хис - С, бунда:

Сф — соф фойда;

Хис — ижтимоий инфратузилма объектларини сақлаб турыш бўйича амалдаги харажатлар;

С — фойда(даромад) солигининг ҳисобланган суммаси, у фойда(даромад) солигининг белгиланган ставкаси ва ижтимоий инфратузилма объектларини сақлаб туриш бўйича амалдаги харажатлари суммасидан келиб чиқиб ҳисобланади (Хис х фойда(даромад) солиги ставкаси / 100).

5. Мазкур Йўриқномани қўллаш максадида ижтимоий инфратузилма обьектларига соғлиқни сақлаш, болалар мактабгача тарбия муассасалари ва умумтаълим мактаблари киради.

III. Солиқ ставкасы

6. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигининг энг юкори ставкаси миқдори Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан ўрнатиласди.

7. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигининг аник ставкаси миқдори Корақалпогистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат хокимияти органлари қарорлари билан белгиланади.

IV. Солиқни ҳисоблаш, ҳисоб-китобларни тақдим қилиш ва тұлаш тартиби

8. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги солик солиш базаси ва белгиланган ставкадан келиб чиқиб ҳисобланади.

Бунда, агар балансида ижтимоий инфратузилма обьектлари мавжуд бўлган солик тўловчида ижтимоий инфратузилма обьектларини сақлаб туриш бўйича амалдаги харажатлари:

Хисобланган ободонластириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириши солиги суммасига тенг ёки үндан кўп бўлса, солиқ тўланмайди;

ий инфратузилмани ривожлантириш солиги ҳамда ижтимоий инфратузилма обьектларини сақлаб туриш бўйича ҳақиқатдаги харажатлар фарқи сифатида аниқланади.

9. Чорак давомида солик тўловчилар, мазкур Йўриқноманинг 10-бандида кўрсатилганларидан ташқари, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги бўйича жорий тўловларни тўлайдилар.

Жорий тўловлар мазкур Йўриқноманинг 1-иловасида келтирилган шаклда жорий чорак биринчи ойининг 5-кунига қадар рўйхатдан ўтказилган жойдаги давлат солик хизмати органларига тақдим қилинадиган Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигининг жорий тўловлари тўғрисидаги маълумотномада кўрсатилган тахмин қилинаётган соф фойда суммаси ва белгиланган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги ставкасидан келиб чиқкан ҳолда хисобланади.

Жорий тўловлар хар ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги чораклик суммасининг учдан бир кисми миқдорида тўланади.

10. Жорий тўловлар қўйидагилар томонидан тўланмайди ва мос равища, Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигининг жорий тўловлари тўғрисидаги маълумотнома тақдим қилинмайди:

хисобот чорагида товарларни (ишлар, хизматларни) реализация қилишдан олинган даромадлари (фойдаси) энг кам иш хақининг 200 баробаригача миқдорда бўлган солик тўловчилар томонидан;

— ўтган хисобот чорагида ижтимоий инфратузилма обьектларини сақлаб туриш бўйича харажатлари суммаси соф фойда суммасига тенг ёки ундан кўп бўлган солик тўловчилар томонидан;

+ ягона солик тўловини тўлашга ўтмаган микрофирма ва кичик корхоналар томонидан;

ягона ер солигини тўлашга ўтмаган кишлоқ ҳўжалиги корхоналари томонидан.

11. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги бўйича хисоб-китоблар рўйхатдан ўтказилган жойидаги давлат солик хизмати органларига ҳар чоракда ўсиб борувчи якун билан хисобот чорагидан кейинги ойнинг 25-кунидан кечиктирмай, йил якунлари бўйича эса — йиллик молиявий хисоботни тақдим этиш муддатида тақдим этилади.

12. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги бўйича хисоб-китоблар:

балансида ижтимоий инфратузилма обьектлари бўлган солик тўловчилар томонидан ушбу Йўриқноманинг 2-иловасида келтирилган шаклда;

балансида ижтимоий инфратузилма обьектлари бўлмаган солик тўловчилар томонидан ушбу Йўриқноманинг 3-иловасида келтирилган шаклда тақдим қилинади.

13. Ҳисоб-китоб бўйича хисобланган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги суммаси ўсиб борувчи якун билан ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги хисоб-китобларини тақдим қилиш муддатидан кечиктирмай тўланади.

14. Бюджет билан хисоб-китоблар бухгалтерия ҳисоби бюджетга тўловлар бўйича (турлар бўйича) қарзларни хисобга олиш хисобварафи бўйича юритилади. Белгиланган тартибда хисобланган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги бюджетга тўловлар бўйича қарзларни хисобга олиш хисобварафи кредити ва соликлар ҳамда йиғимларни тўлаш учун фойдани ишлатишни хисобга олиш хисобварафи дебети бўйича юритилади.

Ўтказилган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги суммалари бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисобга олиш ҳисобвараги дебети ва пул маблағларини ҳисобга олиш ҳисобвараги кредити бўйича акс эттирилади.

V. Солиқ тўловчиларнинг жавобгарлиги

15. Солик тўловчилар ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи бўйича соликни тўғри хисобланиши, хисоб-китобларнинг тақдим этилиши ва соликларнинг тўланишини ўз вақтида амалга оширилиши учун қонунчиликка мувофиқ жавобгар бўладилар.

VII. Давлат солиқ хизмати органларининг назорати

16. Мазкур йўриқноманинг тўғри қўлланилиши устидан назорат Давлат солик хизмати органлари томонидан Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солик хизмати тўғрисида»ги Конуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани
ривожлантириш солигини ҳисоблаб чиқариш ва
бюджетта түлаш тартиби түғрисидаги йўриқномага
1-ИЛОВА

СТИР

Хужжат тури / Хисобот даври чорак Хисобот йили

Хужжат тури: 1 – асосий, 2 – аниқлаштирувчи (каср орқали аниқлаштирувчи рақами)

Юридик шахснинг тўлиқ номи

Ижтимоий инфратузилма объектлари:

соғлиқни сақлаш объектлари

(кераклисига «V» белгиси, мавжуд бўлмаганига «-» белгиси кўйилсин)

█ болаларнинг мактабгача тарбия муассасалари

УМУМТАЗ ПИМ МАКТАБДАРИ

Юридик шахснинг манзили Почта манзали

Телефон: код ракам

Маълумотномани тақлим этиш муллати (кун/ой/йил)

га тақдим этилади

(рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати органининг номи)

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

**Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш
солиғининг жорий тўловлари тўғрисида
МАЪЛУМОТНОМА**

| Кўрсаткич | Сатр коди | Сумма (сўм) |
|---|-----------|-------------|
| Чорак давомида тахмин қилинаётган фойда (даромад) суммаси | 010 | |
| фойда (даромад) солиги ставкаси, % | 020 | |
| Бюджетта тўланадиган фойда (даромад) солиги суммаси (010-сатр x 020-сатр) | 030 | |
| Тахмин қилинаётган соғ фойда(даромад) (010-сатр – 030-сатр) | 040 | |
| Ижтимоий инфратузилма объектларини таъминлаш харажатларининг тахминий суммаси | 050 | |
| Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги ставкаси, % | 060 | |
| Бюджетга тўланадиган солиқ суммаси [(040-сатр – 050-сатр) x 060-сатр] | 070 | |

| | |
|---|---|
| Мазкур хабарномада кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишонччилигини тасдиқлайман: Рахбар: <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> СТИР <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> Ф. И. Ш. _____ Имзо _____ | Давлат солиқ хизмати органининг ходими томонидан тўлдирилади Ушбу хабарнома (кераклигига «V» белгиси кўйилсин) <input type="checkbox"/> қоғозда <input type="checkbox"/> электрон кўринишида <input type="checkbox"/> шахсан <input type="checkbox"/> почта <input type="checkbox"/> электрон почта орқали <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> варақда тақдим этилди Тақдим этилган сана <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> (кк/оо/йй) Ф.И.Ш. _____ Имзо _____ |
|---|---|

М.Ў.

+

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани
ривожлантириш солигини ҳисоблаб чиқариш ва
бюджетга тўлаш тартиби тўгрисидаги йўриқномага
2-ИЛОВА

СТИР варақ 0 1

Хужжат тури / Ҳисобот даври чорак Ҳисобот йили
Хужжат тури: 1 — ҳисоб-китоб, 2 — қайта ҳисоб-китоб (каср орқали қайта ҳисоб-китобнинг рақами)

**Балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлган, ободонлаштириш ва ижтимоий
инфратузилмани ривожлантириш солигини тўловчи тўгрисида
МАЪЛУМОТ**

Юридик шахснинг тўлиқ номи

- Ижтимоий инфратузилма объектлари: соглиқни сақлаш объектлари
(кераклисига «V» белгиси кўйилсин) болаларнинг мактабгача тарбия муассасалари
 умумтаълим мактаблари

Ишчилар сони киши

Микрофирма Кичик корхона Йирик корхона (кераклигига «V» белгиси кўйилсин)

Давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўгрисида гувоҳнома

Юридик шахснинг манзили

Почта манзили

Телефон: код рақам

| | | | | | | |
|----------------------|--------------------------|--|--------------------------|---------|------------------|------------------------------|
| Ушбу ҳисоб- китоб | <input type="checkbox"/> | варақда тузилган, унга илова килинган тасдиқловчи хужжатлар ёки уларнинг нусхалари | <input type="checkbox"/> | варақда | Ўлчов бирлиги | <input type="checkbox"/> сўм |
|----------------------|--------------------------|--|--------------------------|---------|------------------|------------------------------|

Ҳисоб-китобни тақдим этиш муддати (кун/ой/йил)

га тақдим этилади

(рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати органининг номи)

| Мазкур хабарномада кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлигиги ва ишончлилигини тасдиқлайман: | Давлат солиқ хизмати органининг ходими томонидан тўлдирилади |
|---|--|
| Рахбар: СТИР <input type="text"/> | Ушбу хабарнома (кераклигига «V» белгиси кўйилсин) |
| Ф. И. Ш. Имзо | <input type="checkbox"/> қоғозда <input type="checkbox"/> электрон кўринишида |
| Бош ҳисобчи СТИР <input type="text"/> | <input type="checkbox"/> шахсан <input type="checkbox"/> почта <input type="checkbox"/> электрон почта орқали орқали <input type="checkbox"/> варақда тақдим этилди |
| Ф. И. Ш. Имзо | Тақдим этилган сана <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> (кк/оо/йй) |
| Сана (кк/оо/йй) <input type="text"/> <input type="text"/> <input type="text"/> | Ф.И.Ш. <input type="text"/> Имзо |

М.Ў.

СТИР

| | | | | | | |
|--|--|--|--|--|--|--|
| | | | | | | |
|--|--|--|--|--|--|--|

варақ

| | |
|---|---|
| 0 | 2 |
|---|---|

**Балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлган, ободонлаштириш ва
ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги тўловчиларининг ҳисоб-
китоби**

| Кўрсаткичлар | Сатр коди | Сумма |
|---|-----------|-------|
| Тузатиш киритилган соф фойда (0101 – сатр + 0102 – сатр – 0103 – сатр) | 010 | |
| шу жумладан: | | |
| Соф фойда («Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2-сон шаклининг 240-сатри – 250-сатр) | 0101 | |
| Солиқ тўловчи балансида бўлган ижтимоий инфратузилма объектларини таъминлашнинг ҳақиқий харажатлари | 0102 | |
| Ҳисобланган даромад (фойда) солиги суммаси [(0102-сатр x даромад (фойда) солиги ставкаси)/100] | 0103 | |
| Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги бўйича белгиланган солиқ ставкаси (% да) | 020 | |
| Ҳисобланган солиқ суммаси (010-сатр x 020-сатр) | 030 | |
| Бюджетга тўланадиган солиқ суммаси (030-сатр – 0102-сатр) | 040 | |
| Авалги давр учун ҳисоб-китоб бўйича солиқнинг ҳисобланган суммаси (аввалги ҳисоб-китобнинг 040-сатри) | 050 | |
| Солиқ суммаси (040-сатр – 050-сатр): | | |
| кўшимча тўлашга | 060 | |
| Камайтиришга | 070 | |

Изоҳ:

0102-сатрдаги сумма 030-сатрдаги суммага teng ёки ортиқ бўлган тақдирда, 040-сатрга «0» кўйилади, яъни тўловчи ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилма солигини тўламайди.

+

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани
ривожлантириш солигини ҳисоблаб чиқариш ва
бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги йўрикномага
3-ИЛОВА

СТИР

| | | | | | | |
|--|--|--|--|--|--|--|
| | | | | | | |
|--|--|--|--|--|--|--|

варақ

| | |
|---|---|
| 0 | 1 |
|---|---|

Хужжат тури

Ҳисобот даври

чорак

Ҳисобот йили

| | | |
|--|--|--|
| | | |
|--|--|--|

Хужжат тури: 1 — ҳисоб-китоб, 2 — қайта ҳисоб-китоб (каср орқали қайта ҳисоб-китобнинг рақами)

**Балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлмаган, ободонлаштириш ва
ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солигини тўловчи тўғрисида
МАЪЛУМОТ**

Юридик шахснинг тўлиқ номи

Ишчилар сони

| | | | |
|--|--|--|--|
| | | | |
|--|--|--|--|

киши

Микрофирма Кичик корхона Йирик корхона (кераклигига «V» белгиси қўйилсин)

Давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳнома

| | | | | | |
|--|--|--|--|--|--|
| | | | | | |
|--|--|--|--|--|--|

Юридик шахснинг манзили

Почта манзили

Телефон: код

| | | | | |
|--|--|--|--|--|
| | | | | |
|--|--|--|--|--|

ракам

| | | | | | |
|--|--|--|--|--|--|
| | | | | | |
|--|--|--|--|--|--|

Ушбу ҳисоб-
китоб

| | |
|--|--|
| | |
|--|--|

варақда тузилган, унга илова
килинган тасдиқловчи хужжатлар

| | | |
|--|--|--|
| | | |
|--|--|--|

варақда

Ўлчов
бирлиги

| |
|-----|
| сўм |
|-----|

ёки уларнинг нусхалари

Ҳисоб-китобни тақдим этиши муддати (кун/ой/йил)

| | | |
|--|--|--|
| | | |
|--|--|--|

| | | |
|--|--|--|
| | | |
|--|--|--|

| | | |
|--|--|--|
| | | |
|--|--|--|

га тақдим этилади

(рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати органининг номи)

| Мазкур хабарномада кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини тасдиқлайман: | Давлат солиқ хизмати органининг ходими томонидан тўлдирилади |
|---|---|
| Рахбар: | Ушбу хабарнома |
| СТИР | (кераклигига «V» белгиси қўйилсин) |
| Ф. И. Ш. | <input type="checkbox"/> қоғозда <input type="checkbox"/> электрон кўринишида |
| Имзо | <input type="checkbox"/> шахсан <input type="checkbox"/> почта <input type="checkbox"/> электрон почта орқали <input type="checkbox"/> орқали <input type="checkbox"/> варақда тақдим этилди |
| Бош ҳисобчи | <input type="checkbox"/> Тақдим этилган сана |
| СТИР | <input type="checkbox"/> (кк/оо/йй) |
| Ф. И. Ш. | <input type="checkbox"/> Ф.И.Ш. |
| Имзо | <input type="checkbox"/> Имзо |
| Сана (кк/оо/йй) | <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> <input type="checkbox"/> |

М.Ў.

ИНН

| | | | | | | |
|--|--|--|--|--|--|--|
| | | | | | | |
|--|--|--|--|--|--|--|

варақ

| | |
|---|---|
| 0 | 2 |
|---|---|

**Балансида ижтимоий инфратузилма объектлари бўлмаган, ободонлаштириш
ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги тўловчиларининг
г ҳисоб-китоби**

| Кўрсаткичлар | Сатр коди | Сумма |
|---|--------------|-------|
| Соф фойда («Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» 2-сон шаклининг 240-сатри – 250-сатр) | 010 | |
| Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги бўйича белгиланган солиқ ставкаси (% да) | 020 | |
| Бюджетга тўланадиган солиқ суммаси (010-сатр – 020-сатр) | 030 | |
| Анвалги давр учун ҳисоб-китоб бўйича солиқнинг ҳисобланган суммаси (аввалги ҳисоб-китобнинг 030-сатри) | 040 | |
| Солиқ суммаси (030-сатр – 040-сатр): | | |
| қўшимча тўлашга | 050 | |
| камайтиришга | 060 | |

—

+

**Ўзбекистон Республикаси
 Адлия вазирлиги маълум қилади:
 вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
 умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат
 рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
 2007 йил 5 майдан 18 майгача бўлган маълумот**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Фойдали моделга, саноат намунасига ҳамда дори воситаси ёки пестицидга таалуқли ихтирога Ўзбекистон Республикаси патентининг амал қилишини узайтириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2007 йил 3 апрелдаги 25-сонли буйргуги.

2007 йил 5 майда 1678-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 15 майдан кучга киради).

2. «Давлат улушларини бошқариш бўйича тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат мулкани бошқариши давлат қўмитасининг 2007 йил 6 апрелдаги 37, 01/12-18/08-сонли қарори.

2007 йил 7 майда 1262-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 17 майдан кучга киради).

3. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган ҳужжатларнинг сақланиш муддатлари рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 31 марта даги 10/6-сонли қарори.

2007 йил 8 майда 951-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 18 майдан кучга киради).

4. «Биржа савдоларида шифер сотиш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулкани бошқариши давлат қўмитасининг 2007 йил 9 апрелдаги 24, 51, 01/УзРТСБ-18/10-сонли қарори.

2007 йил 8 майда 1679-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 18 майдан кучга киради).

5. «Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рафбатлантиришнинг маҳсус жамғармаси тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2007 йил 30 апрелдаги 45-сонли буйргуги.

2007 йил 17 майда 177-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 1 сентябрдан кучга киради).

6. «Хисоб-китобларни «Банк — Мижоз» дастурий мажмуаси орқали амалга ошириш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 24 апрелдаги 12/4-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.

2007 йил 17 майда 497-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 27 майдан кучга киради).

7. «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 24 апрелдаги 12/3-сонли қарори.

2007 йил 17 майда 1122-6-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 27 майдан кучга киради).

8. «Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиfinи хисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги ўёриқномани тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2007 йил 6 апрелдаги 38, 2007-27-сонли қарори.

2007 йил 17 майда 1680-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 27 майдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Пахта толасини Ўзбекистон Республикаси мол-хом ашё биржаси (ЎзРМХАБ) орқали сотиш ва унинг учун «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари билан ҳисоб-китоб қилишнинг вактинчалик низоми. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» ўюнимаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1267, 29.08.2003 й).

Адлия вазирининг 2007 йил 8 майдаги 84-мҳ-сон буйруғи билан реестридан чиқарилди. Буйруқ 2007 йил 8 майда 1267-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 18 майдан кучга киради).

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл фуқароларининг транспорт воситаларида ҳаракатланиш тартиби ва Халқаро автомобиль йўлларида йўл-патруль хизматини ташкил қилиш бўйича Йўриқнома. Ўзбекистон Республикаси Ички ишилар вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 15, 19.01.1994 й).

Адлия вазирининг 2007 йил 8 майдаги 85-мҳ-сон буйруғи билан реестридан чиқарилди. Буйруқ 2007 йил 8 майда 15-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 18 майдан кучга киради).

3. Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиfinи хисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги ўёриқнома ва 1, 2, 3-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1100, 19.01.1994 й), (рўйхат рақами 1100-1, 28.02.2003 й), (рўйхат рақами 1100-2, 30.01.2004 й), (рўйхат рақами 1100-3, 08.02.2005 й).

Адлия вазирининг 2007 йил 17 майдаги 89-мҳ-сон буйруғи билан реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-хуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.